БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 18 август Шанба

№ 156 (13.592). Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ •

Кашшофлар ёзи



ЧОРБОҒ ҚЎЙНИДА, ДЎСТЛАР ДАВРАСИДА

От тепкисини от, той тепкисини той кўтаради, деган нақлни эшитгансиз, албатта. Кимларнингдир қутқуси, кимларнингдир калтабинлиги туфайли Афғонистон тинчини йўқотди. Нафақат у, агар таъбир жоиз бўлса, девор-дармиён қўшни мамлакатлар ҳам беихтиёр ана шу бемаъни урушга тортилдилар. Ҳануз афғонлар юртида одамлар осойишта ҳаётни қўмсаб яшамоқдалар. Катта ёшдагиларнинг қалбида сизиб турган ҳаяжонни таърифу-тавсиф этишга тил ожиз, қалам беҳол.

Ана шундай кунларда гина-кудуратларни тезроқ унутиш, қадим замонлардан туташ бўлиб келган дўстлик, қардошлик ва биродарлик ришталарини тиклаш ҳар икки томон — афғонларнинг ҳам, «шўравий»ларнинг ҳам мақсади. Яхши қўшничилик эса, одатда қўшни болаларнинг дўстлашувидан бошланади. Бу фикрни шу кунларда Тошкент вилоятидаги «Альпинист» кашшофлар лагерида дам олаётган афғон болалари ҳам тасдиқлашлари мумкин. Улар бу ерга Саманган вилоятидан келишган. 197 нафар Афғонистон кашшофларига Муҳаммад Акром Муҳаммад Шариф, Абдусамад Тилламамат ва Амир Мамат Муҳаммад Ҳусайн тарбиячилик қилмоқдалар.

Биз учун меҳмон — отадан улуғ. Ҳамиша меҳмонга иззат-икром кўрсатишимиз ҳам шундан. Афғонистонликлар ўзларига яратиб қўйилган шароитлар учун мамнунлик изҳор этаяптилар. Спорт майдончаларидаги, шахмат-шашка тахталари устидаги баҳслар, кўнгилочар ўйин-кулгулар болаларнинг чеҳрасига қизиллик, кўзларига нур улашмоқда. Бу қизиллик ва нурнинг яна бир сабаби бор. Бугун Афғонистон аҳолиси мустақиллик кунини кенг нишонламоқда.



СУРАТЛАРДА: афғон болалари «Альпинист» кашшофлар лагерида.

Сураткаш: Ҳаким СОЛИҲОВ.



Комсомол: кеча, бугун, эртага

ТАРОЗИ ТЕНГ БЎЛСА

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ КОМСОМОЛ ҚЎМИТАСИНИНГ III ПЛЕНУМИДАН ҚАЙДЛАР

КОМСОМОЛ ишидаги қоғозбозлик, телефон билан иш битириш, унинг жабҳаларида қайта қуриш ғоят қийинчилик билан кўчаётгани ҳақида кўп гапираяпмиз-у, аммо комсомол ходимининг эртанги куни ҳақида ломмим демаяпмиз. Пленум бошланишидан аввал комсомол ходимларидан бири билан суҳбатлашиб қолдим:

— Биласизми, — таъкидлади у, — бутун ғайратим, меҳрим, шижоатимни комсомол ишига сарфладим. Эрта-ю кеч, тинмай ишладим. Қийинчиликлардан нолимадим. Вақт ўтгач, ўрнимни ўзгаларга бўшатиб бериш лозимлигини ҳис қиляпман. Ахир ёшим ўтиб бораяпти. Турли жойлардан иш қидиряпман. Маъқул келадигани йўқ. Фирқа ташкилоти оғзига талқон солгандек жим. Ихтисослигим бўйича ишга қайтай десам, энди ҳаммасини янгитдан бошлашим керак...

Бундай фикрни кўплаб комсомол ходимларидан эшитиш мумкин. Шу боис ҳам пленум иштирокчилари комсомол ходимининг эртанги куни, комсомол ташкилоти олдида турган муаммолар хусусида гаплашиб олиш учун чақирилди. Вилоят комсомол қўмитасининг биринчи котиби Адҳамжон Орзиматовнинг «ВЛКСМ XXI, Ўзбекистон Компартияси XXII съезди якунлари, комсомол кадрлари ва фаоллари билан олиб борилаётган ишларни такомиллаштириш борасида комсомол ташкилотлари олдида турган вазифалар ҳақида»ги маърузаси аввалдан пленум қатнашчиларига тарқатилганлиги сабабли, у ҳақда қисқача ахборот берилди.

— Ҳозирги кунда, — қайд этди нотиқ, — мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий системасида, жумладан, вилоятимизда ҳам шундай ҳолат юзага келдики, фирқанинг «ўринбосари», «эртанги куннинг эгалари» деб ҳисоблаб келинган комсомол аъзолари ва фаолларининг, уларга бўлаётган муносабатларни чуқур ўрганиб чиқиш, аҳволни муҳокама қилиб, долзарб чоралар қабул қилиш зарур бўлиб қолди.

Биз узоқ йиллар давомида фирқанинг комсомолга раҳбарлиги хусусида ваъзхонлик қилдик. Амалда эса айрим комсомол ходимлари раҳбарлар учун «чой ташувчи»лик қилиб келишди. Комсомол шаънига бундай сўзни айтиш юрагингизда оғриқ турғазади. Албатта, бундай аҳволнинг юз беришига комсомол ходими ҳам айбдор. Аммо амал курсисига мустаҳкам ястаниб олган мутасаддилар-чи? Улар оғиздагина комсомолни «ўринбосарларимиз» деб аташди, холос. Вилоятда комсомолга фирқа раҳбарлигининг мушкул аҳволга тушиб қолганлиги боиси ҳам шунда. Вилоятда кейинги йилларда комсомол Ҳаёт мактабини ўтаган ёшларни фирқа, Шўро ва хўжалик органларига ишга олиш қийинчилик билан кечяпти. Боз устига комсомол ташкилотига «бўйсунувчи» ташкилот сифатида қаралмоқда. Ахир унинг ички ишларига аралашиш, дадил ҳаракатларига тўсқинлик қилиш, етакчиларни «махсус» кўрсатмалар билан танлашни қандай баҳолаш керак?

Ленинград ноҳиясида узоқ йиллар ёшлар етакчиси бўлиб ишлаб келган Н. Йўлдошева ноҳия фирқа қўмитасига раҳбарликка сайланганидан сўнг, унинг ўрнига ҳақиқий ўринбосар йўқлиги сезилиб қолди. Ноҳия фирқа қўмитаси раҳбарлари ёшлар жамоасида ҳеч қачон ишламаган М. Азимовани комсомол етакчиси қилиб тайинлаб қўйдилар. Энди ўзингиз ўйланг, ёшлар дарди-ташвишларини яқиндан билмайдиган шахс қандай қилиб, йигит-қизлар қалбига йўл топсин? «Юқори»нинг одами бир йил ишлаб-ишламай оилавий сабабга кўра вазифасидан озод этилди.

Ким ютди? Фирқа ташкилотими? Аслида иккала томон ҳам бой берди. Ахир фирқа ташкилоти кўрсатма билан иш тутиш нимага олиб келишлигини бошдан кечирди. Қани энди бундай сабоқ «юқоридагилар»нинг кўзини очса. Афсуски, ҳамиша ҳам шундай бўлмади. Яна бир ноҳия ёшлар етакчиси Р. Усмонова ҳам оилавий шароитга кўра, М. Тожибоева эса вазифасини уддалай олмаганлиги сабабли ишдан бўшатилдилар.

Раҳбарлик аралашувлари, етакчилар номзодини «чиғириқ»дан ўтказишлар комсомол оёғига тушов бўлаяптики, ўзга нарса эмас.

Кейинги уч йил давомида 14 та ноҳия ва шаҳар комсомол қўмитасининг саркотиблари алмаштирилди. Шулардан фақат икки нафаригина юқори фирқа органларига ишга жойлашди. Қолганлари олий фирқа мактабларига ёки турли соҳалар бўйича ишга ўтдилар. Нега шундай бўлди? Комсомол раҳбарларига ишончсизликми бу? Ахир улар минглаб ёшлар орасидан энг қобилиятли сифатида танлаб олинганди-ку.

Юқорида Ленинград ноҳияси саркотибаси ҳақида фикр юритилганди. Энди кейинги йилларда ишлаган иккинчи котиб Б. Мамадиев, мактаблар бўлими мудири вазифасида ишлаб келган М. Неъматов, С. Ортиқов, Ҳ. Мамадиевлар ҳам ўз мутахассисликлари бўйича иш топишга мажбур бўлдилар.

Халқ депутатлари вилоят Шўроси ҳузурида комсомол гуруҳини тузишга уриниш ғоят мақбул ҳаракатлардан эди. Гуруҳ тузишга уриниш бўлаётганда вилоят комсомол қўмитасининг мафкура бўлими мудири (собиқ) С. Пайғамов билан суҳбат қурган эдик:

— Агар мақсадимиз амалга ошиб қолсами, — деганди у. — Ёшлар дарди, ташвишлари, уларни қийнаётган муаммоларни ҳал этиш учун жуда катта имконият бўлади. Сабаби вилоят Шўроси депутатларининг 400 нафаридан 130 нафари 30 ёшгача бўлган йигит-қизни, 90 нафари эса ВЛКСМ аъзосини ташкил этади.

Кўринмас қўллар... Телефондаги буйруқлар. Агар улар ишга тушса борми?.. Ўзбекистон ССР Олий Шўроси ва маҳаллий Шўроларга халқ депутатлари сайловида ҳам «кўз боғлагич» ўйини бўлди. Комсомол қўмиталарига халқ депутатлигига номзод кўрсатиш, кўрсатмаслик тўғрисида чегаралар белгилаб берилди. Киров, Қува, Бағдод, Бувайда, Ленинград, Фарғона ноҳияларида эса комсомол қўмиталарига номзод кўрсатишга рухсат берилмади. Натижада жумҳурият Олий Шўросига вилоят комсомолларидан бирор нафар ҳам депутат сайланмади. Албатта, ўтган ишга саловат дегувчилар ҳам топилади. Аммо комсомолнинг қўли ҳамиша калта бўлиб қолавермаслиги керак. Яширишнинг ҳожати йўқ: айни кунларда Фарғона шаҳар комсомол қўмитасининг биносини бўшатиб қўйишларини талаб қилишаяпти. «Юқоридагилар»нинг хоҳиш-истаги шундай экан. Комсомол оёғи куйгандек турли томонга зир югуриш билан овора. Унинг арз-додига қулоқ соладиган эса топилмаётир.

Яна комсомол ходимлари хусусида. Тан олиш керак. Юзлаб ёшлар ичидан танлаб олинган йигит-қизлар маълум вақт ўтгандан сўнг аниқ бир қарорга кела олмай қоладилар. Сабаби комсомол ўз ходимининг кейинги тақдирини белгилашда ҳеч қандай ҳуқуққа эга эмас. Оқибатда ҳар уч комсомолдан бири иш излашга мажбур.

Пленумда сўзга чиққанлар, комсомол ходимлари билан ишлашнинг шундай механизмини ишлаб чиқиш зарурки, комсомолга келаётган ҳар бир ёш мутахассис ундан қаерга чиқиб кетишини ҳам аниқ бўлсин, дея таъкидладилар. Ўринли фикр. Бизнингча ҳам комсомол ходимининг тақдирига бефарқ бўлишдан халос бўлиш йўли шу. Комсомолга фирқа раҳбарлиги масаласига келсак, пленум аъзолари фирқа қўмитаси билан юқоридаги фикрларни танлаб, шартнома тузишни таклиф қилдилар.

ҲАР ҚАНДАЙ маданий ва сиёсий жиҳатдан ривожланган мамлакатларда ижтимоий-сиёсий фирқалар ҳамда ташкилотлар ҳокимият учун кураш принципи асосида ўз аъзоларини бирлаштирадилар. Бу соҳада ҳамкорлик қилмоқчи бўлган мустақил ташкилотлар уни шартнома асосида амалга оширадилар. Ана шу шартнома[illegible], жумладан, ҳокимият қў[illegible] киритилгач ҳамкорли[illegible] бўлган томонга ажратила[illegible] аниқ иш ўринлари ҳам келишиб олинади. ВЛКСМ XXI съездида комсомолнинг фирқа эмаслиги, яъни ҳокимият учун очиқ курашмаслиги, коммунистик фирқа билан ғоявий, сиёсий ҳамкорликда иш олиб бориши таъкидланди. Эндиги гап масалага қандай ёндашишда.

Фозилжон ШОДМОН,
«Ёш ленинчи» мухбири.

БУТУНИТТИФОҚ КОНКУРСИ

СССР Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, касаба уюшмалари Бутуниттифоқ марказий кенгаши, ВЛКСМ Марказий Қўмитаси ҳамда СССР Журналистлари уюшмасининг правлениеси томонидан ташкил этилган Бутуниттифоқ конкурси «Табиатни ҳимоя қилиб айтилган гаплар» шиори билан очилади. Конкурснинг мақсади атроф-муҳитни муҳофаза қилиш каби муҳим ва зарур ишга жамоатчилик эътиборини қаратишдан иборат.

Конкурсда рўзномалар ва ойномалар муҳарририяти ижодкор жамоалари ҳам, айрим муаллифлар ҳам қатнашишлари мумкин. Уларнинг вазифаси бу йил матбуотда эълон қилинган табиатни муҳофаза қилишга таалуқли материалларни 119021, Москва, Зубов хиёбони, 4-уйдаги манзилгоҳда жойлашган Журналистлар уюшмаси правлениесига 1991 йил 1 мартга қадар тақдим этишдан иборат. Материаллари жамоатчилик фикрини уйғотган, амалда ижобий натижа берган, экологик жиҳатдан соф технологияларни, экология соҳасида жамоатчилик ҳаракатини, регионлараро ва халқаро ҳамкорликни тарғиб қиладиган муаллифларнинг ғалаба қозониш имконияти кўпроқ. Материалларни конкурс ташкилот қўмитасига СССР Журналистлар уюшмасининг маҳаллий ташкилотлари ҳамда рўзномалар ва ойномалар муҳарририятлари тақдим этадилар. Конкурс қатнашчиларидан конкурсга доир икки иш ёки матбуотда эълон қилинган туркум материаллар қабул қилинади.

Ғолибларга ҳар бири 500 сўмдан 1000 сўмгача 16 та пул мукофоти берилади. Конкурс якунлари 1991 йил 5 июнда халқаро атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кунида матбуотда эълон қилинади.

Н. СТЕПАНЧЕНКО,
СИТА мухбири.
Москва.

Шу сонга хабар

Даъво журналистлар фойдасига ҳал бўлди

Ленинграддаги ёшларнинг «Смена» рўзномаси таҳрир ҳайъати ва ВЛКСМ вилоят қўмитаси ўртасидаги тортишиш бартараф этилди.

Марказий матбуотда илгари хабар берилганидек, журналистлар ўз рўзномаларини расмий равишда таъсис этувчиси, деб тан олинишини талаб қилишганди. Шу орада Ленинград шаҳар ижроия қўмитаси президиуми бу масалани кўришни чўзиб, уни икки рақобатчидан бирининг фойдасига ҳал этолмай турганда... Москвадан келган қарор ҳаммасини ўз ўрнига қўйди. РСФСР матбуот ва оммавий-ахборот вазирлиги «Смена»ни Россиядаги мустақил ёшлар рўзномаси ҳисобида рўйхатга олди. Бундан буён муҳарририят меҳнат жамоаси унинг таъсис этувчиси бўлиб қолди.

16 августда унинг биринчи сони чиқарилиб, унда нашрнинг номи ёнида «Смена» бундан буён «ВЛКСМ Ленинград вилоят ташкилотининг нашри» ўрнига «Россия ижтимоий-сиёсий ёшлар рўзномаси», деб қайд қилинган.

Аммо Ленинград вилоят комсомол қўмитаси РСФСР матбуот ва оммавий-ахборот вазирлигига шошилинч хабарнома йўллади. Унда таъкидланишича, бу масала жумҳурият Вазирлар Кенгаши қабул қилган кейинги қарорлардан бирига зид бўлиб, агарда рўзномани таъсис этувчи ундан воз кечса, ёки уни топиш имкони бўлмаса, ўшандагина рўзнома жамоаси мустақил нашр сифатида рўйхатдан ўтиши мумкинлиги баён этилган.

Бу баҳсли мунозаранинг қандай тугаганини сизга хабар қиламиз.

Қанд ўрнига — силастилин

Тошкент кимё-фармацевтика заводи яқинда янги маҳсулот — силастилин ишлаб чиқара бошлади.

Ҳар бир таблетка таркибида 0,018 граммдан силастилин бўлиб таъми жиҳатдан 3,2 грамм қандга баробардир. 4 к/каллория энергия бериб, қиймати жиҳатдан қандга нисбатан 180-200 маротаба кучсиздир.

Ўзбекистон эндокринология илмий текшириш институти қандли диабет бўлимининг раҳбари, тиббиёт фанлари номзоди З. С. Акбаров қуйидагиларни гапириб берди:

— Қандли диабетнинг келиб чиқиш сабабларидан бири семириб кетишдир. Бугунги кунда Тошкент аҳолисидан 20 минг, бутун жумҳуриятимиз бўйича эса 70 минг киши қандли диабетга чалинганлиги расман рўйхатга олинган. Бу касаллик ўсиб бораётганлиги кузатилиши билан биргаликда, болалар ўртасида ҳам учраяпти.

Янги дори — силастилин таркибида етарли оқсил моддага эга бўлиб, амалий жиҳатдан қонда қанд моддасининг мувозанатини оширишга таъсир этмайди.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра Америка Қўшма Штатларининг деярли ярим аҳолиси, бутун дунёда эса 200 миллион киши силастилин истеъмол қиладилар. Шифокор олимларнинг фикрича силастилинни парҳез таомлар, мурабболар ва компотлар тайёрлашда ишлатиш мумкин. Ҳатто соғлом кишилар кофе, чой билан истеъмол қилсалар ҳам бўлади. Бунда эса соғлом кишиларни қандли диабетдан асрайди.

— Тошкент кимё-фармацевтика заводи чет эллардан валютага сотиб олинган хом ашёлардан йилига 2,5 миллион ўрам силастилин ишлаб чиқариш имкониятига эга, — дейди «Узхимфарм» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори, кимё фанлари номзоди Т. У. Раҳматуллаев.

Бугунги кунда истаган дорихонангизда силастилинни хоҳлаганча сотиб олишингиз мумкин.

А. ЭРГАШЕВ.

Поликлиникада кундузги шифохона

Сергели ноҳияси соғлиқни сақлаш бўлимига қарашли 11-катталар поликлиникаси хизматчилари ибратли иш бошлашди. Поликлиника ҳузурида кундузги шифохона ташкил этилди. Унда асосан кўп болали оналар, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ва бошқа кексалар даволанадилар. Мазкур шифохонанинг бошқа шифохоналардан афзаллик томони шундаки, беморлар эрталаб келиб, керакли дори-дармонларни қабул қиладилар, дам оладилар ва кечқурун уйларига қайтадилар. Бу, айниқса, кўп болали оналар учун жуда қўл келаётир.

Ҳозирча касалхона унчалик катта эмас. Бор-йўғи ўн ўринга мўлжалланган. Шундай бўлсада беморлар унинг хизматидан миннатдор бўлишаётир. Бу ерда яхши даволаниш учун барча шароитлар етарли. Беморларга малакали врачлар ва ҳамширалар тиббий ёрдам кўрсатишмоқда.

— Кундузги шифохонамизни янада кенгайтириш мўлжалимиз бор, — дейди шу поликлиника бош врачи Мақсуд Муродхўжаев. — Қурилиш ишлари учун 92 минг сўм маблағ ажратилди. Ҳадемай, янги комплексни бунёд этиш бошланади.

Н. АБДУРАИМОВА.

Эҳтиёт бўлинг, ёнғин!

Шомга яқин пайт эди. Томлари бир-бирига туташ, аҳоли зич яшайдиган маҳалладаги хонадонлардан бирида ёнғин кўтарилди. Қўни-қўшнилар, маҳалла-куйдагилар, қолаверса, ўт ўчириш командаси аъзоларининг тадбиркорлик билан ишлашлари натижасида ёнғин тезда бартараф этилди.

Ҳайриятки, ҳеч ким зарарланмади. Лекин ҳар доим ҳам шундай бўлмаётир. Йил бошидан буён ўтган етти ой мобайнида жумҳуриятимизда 13955 катта-кичик ёнғин ҳодисаси қайд этилди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 5,5 фоиз кўпдир. Кўрилган зарар 12 миллион 755 минг сўмни ташкил этади. Яна шуниси ачинарлики, ана шу ёнғинлар даврида 143 киши ҳаётдан кўз юмди.

Шу йилнинг 12 август куни кечки соат 17.40 да Сурхондарё вилоятининг Шеробод шаҳридаги ноҳия матлубот жамиятига қарашли қурилиш материаллари дўконида катта ёнғин чиқди. Кўрилган зарар тахминан 50 минг сўмлар атрофида.

Айниқса, ёш болаларнинг қаровсиз қолдирилиши натижасида ёнғин чиқиш сабаблари тобора кўпайиб бормоқда. Ўтган етти ой мобайнида шахсан болалар иштироки билан 3195 ёнғин ҳодисаси қайд этилди.

— Ёнғинга қарши барча чора-тадбирларни изчиллик билан амалга ошираяпмиз, — дейди жумҳурият ички ишлар вазирлиги ёнғинга қарши кураш бошқармаси бўлими бошлиғи Николай Борисович Лобанов, — бу курашда барча кишилар фаол иштирок этсаларгина, ёнғиннинг олдини олиш, кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

Муҳим вазифа

Теварак-атрофни муҳофаза қилиш бугунги кунда ҳамманинг муҳим ишидир. Буни яхши англаган Тошкент вилояти комсомол қўмитаси яқинда қўмита ҳузурида ёшлардан иборат экология комиссияси ташкил этди. Унинг вазифаси вилоятдаги экологик вазиятни тўғри аниқлаш ва баҳолаш, зарур бўлган тақдирда амалий чоралар кўришдир.

Вилоят комсомол қўмитасининг яқинда бўлиб ўтган пленумида ҳам унинг иштирокчилари комиссиянинг иш фаолиятини қўллаб-қувватладилар ва маъқулладилар. Комиссия базасида «Ҳаёт» жамияти ташкил этилди. Унинг вазифаси турар жойлардаги экологик вазиятларнинг бузилишига йўл қўймасликдир.

З. ОРТИҚХЎЖАЕВ.

Юрмаладаги фожиа

МОСКВА, 16 август. (СИТА мухбирлари И. Васильков, Д. Копилов). Кеча, куннинг биринчи ярмида автомобиль фалокати натижасида Виктор Цой ҳалок бўлди. «Кино» деб аталган машҳур рок гуруҳининг менежери Ю. Айзеншпис шуни маълум қилди. Машҳур қўшиқчи ўз автомобилида Юрмаладан балиқ овидан қайтиб келаётганида фожиа рўй берди. У ана шу ерда дам олаётган эди. Давлат автоинспекцияси ходимларининг айтишларига қараганда, Цой рулда ўтириб ухлаб қолган ва автобусга келиб урилган.

Совет ёшларининг севимли хонандаси, жаҳонда машҳур рок ижрочиси яқинда Москвада ўтган туркум концертларда жуда катта муваффақият билан қатнашган эди. У ўзининг пластинкалар туркумини чиқариш тараддудида эди, янги бадиий фильмда суратга тушишга ҳозирлик кўраётганди, Виктор Цой ана шу фильмда бош ролни ижро этиши керак эди. «Кино» гуруҳи кузда Жанубий Корея ва Японияга сафар қилиши режалаштирилганди.

Бағдодда фавқулодда ҳолат

ИРОҚ пойтахтида фавқулодда ҳолат жорий этилди. Шаҳар кўчалари ва майдонларида танклар ҳамда бронетранспортёрлар пайдо бўлди. Асосий вазирлик ва муассасалар олдида армия бўлинмалари позицияларни эгалламоқда. Қўшинларнинг янги қисмлари шошилинч равишда Бағдодга келтирилмоқда. Ироқ қуролли кучлари офицерлари орасида оммавий қамоққа олишлар бўлди. Қамоққа ташланганлар сони ўнлаб ҳисобланади, деб хабар қилди МЕНА агентлиги. Агентлик Ироқ-Иордания чегарасидан ўтган [illegible] воқеаларни ўз кўзи билан кўрганларнинг гапларига асосланиб, фавқулодда чоралар ва қамоққа олишлар бир гуруҳ кичик офицерлар Ироқ Президенти Саддам Ҳусайнга суиқасд қилишга уринишлари [illegible] ваффақиятсиз чиққандан сўнг бошланганлигини таъкидлади. Агентлик маълумотларига қараганда, суиқасдга «Ҳусайннинг яқин атрофидаги» кишилар қўшилган.

Саддам Ҳусайн билан учрашган «Фаластин вакили» гапларига асосланиб МЕНА агентлигининг ёзишича, Ироқ Президенти Бағдоддан 50-7[illegible] километр масофада турибди. У Фаластиннинг мазкур вакилини сар[illegible] бўлинмалар қўриқлаб турган бункерда қабул қилган.

(СИТА).

Шу сонга хабар

Бизнинг мусоҳаба

СССР халқ депутати, филология фанлари доктори, Андижон Давлат тиллар педагогика институтининг ректори М. УМАРХЎЖАЕВ билан журналист Анвар ЖЎРАБОЕВ мусоҳабаси.

Депутатлик, аввало масъулият

— Мухтор ака, депутат бўлганингизга ҳам бир йилдан ошди. Шу орада иккита съезд ва бир неча сессия мажлислари бўлиб ўтди. Парламентда ўзига хос тажриба тўпладингиз. Айтинг-чи, фан доктори бўлиш қийинмикан ёки депутатлик!

— Менимча, депутатлик. Сабаби: диссертация ёзиш, одатда, маълум бир йўналишни тақозо этади. Депутатлик эса зиммангга ниҳоятда катта масъулият юкларкан. Айримлар ўйлаганидек, депутатнинг фаолияти минбарга чиқишдангина иборат эмас, балки у кенг ва серқирра назарий билимларни (иқтисод, фалсафа, ҳуқуқшунослик, жамиятшунослик ва бошқа соҳалар юзасидан) талаб қилар экан.

— Шахсан сизнинг дастурингиз нималардан иборат!

— Аввало, Ўзбекистонда мавжуд ишсизликка қўлдан келгунча барҳам бериш. Мақтаниш деб тушунманг-у, мен СССР халқ депутатларининг I Съездида сўзга чиққанлар ичида биринчи бўлиб «ишсизлик» атамасини қўлладим. Шунгача у «ортиқча меҳнат резервлари» деб юритиларди.

Ишсизликнинг бош сабабларидан бири жумҳуриятимизнинг хом ашё базаси бўлиб қолганлигидир. Шарқ мамлакатлари, масалан, Қурия, Сингапур каби давлатларни олинг. Улар ҳам олдин нуқул хом ашё етказиб берарди. Аммо кейинчалик, кескин бурилиш ясашиб, деҳқончилик билан бир қаторда, индустрияни ҳам авж олдиришди ва эндиликда мислсиз ютуқларни қўлга киритишди.

Биз ҳам, айтайлик, енгил, озиқ-овқат саноатлари бўйича энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган йирик-йирик корхоналар бунёд этсак, жаҳон стандартларига мос маҳсулотлар ишлаб чиқариб, жаҳон бозорига йўл топсак, ошиғимиз олчи бўларди...

Дастуримдан экология масалалари ҳам жой олган бўлиб, у асосан, Андижон шаҳридаги гидролиз заводига тааллуқли эди.

— Нега «эди»! Нима, ҳал қилиндими бу масала!

— Ҳал бўлди, ҳисоб. Ушбу корхона 1953 йилдан буён шаҳримиз аҳолисини аммиак ҳамда бошқа кимёвий моддалар билан заҳарлаб келарди. Тўғри, бунақанги корхона зарур: у дори-дармон учун маҳсулотлар тайёрлаша мумкин. Аммо, нега энди соғлом одамларни касал қилиш эвазига тайёрланиши керак экан? Қаранг, корхона Андижоннинг қоқ ўртасига жойлашган. Шаҳримиз эса аҳоли зичлиги бўйича Совет Иттифоқида биринчи ўринни эгаллайди: бир квадрат километрга 415 нафар одам тўғри келади.

Ҳа, шаҳримизда гўштнинг камайиши, унинг ошиб кетганига, (бир килограмми 7-8 сўм туради бозорда) шу завод ҳам сабаб бўлди. Чунки ушу корхона чорва... муҳим ҳисобланадиган шелухани хом ашё сифатида ишлатади. Устига устак, завод бир тонна шелухага икки сўмдан тўлайди, халқ эса тоннасини қўлдан 200 сўмга зўрға топади.

Биз заводни қайта ихтисослаштириш, унинг заҳарли тутунларини камайтириш учун кўп жойларга югурдик. Ҳамюртим, СССР халқ депутати А. Тўхтабоев билан Москвада Иттифоқ микробиология вазири Валерий Алексеевич Биковнинг қабулида бўлиб, корхонага тааллуқли барча муаммоларни очиқ-ойдин айтдик. У киши гапимизни диққат билан эшитди. «Ҳа, ҳақиқатдан ҳам андижонликларга оғир экан. Агар борди-ю, мен яна жойимда қоладиган бўлсам, бу масалани, албатта тез орада ечишга уринаман», — деб ишонтирди.

Биков бизда яхши таассурот қолдирди. «Бу одам ҳам халқпарвар экан. Унга овоз беринглар», деб ўзбекистонлик депутатлар орасида ташвиқот юргиздик.

У вазир қилиб қайта сайланди ҳам. А. Тўхтабоев билан тағин ҳузурига кирдик, табрикладик. Ваъдасини эслатсак, айтганларидан тониб, «Заводга тегиниб бўлмайди», деб совуқ жавоб қилди. Росаям хафа бўлиб кетдик... Ундан фойда чиқмаслигини тушуниб, охири СССР Вазирлар Кенгаши Раиси Н. Рижковга мурожаат этдик. Николай Иванович Гусев деган муовинига рўпара қилди. Гусевга завод андижонликларга қанчалар зарар келтираётгани ҳақида бир ярим соатча гапирдик. Ва, хуллас калом, шу корхона юзасидан Давлат комиссиясини тузилиши зарур, деган талаб қўйдик.

— Комиссия тузилдими!

— Тузилди. Унинг таркибига, Москва, Ленинград, Новосибирск, Тошкент шаҳарларидан етакчи олимлар, мутахассислар киритилди. Ўтган йили декабрнинг бошида комиссия Андижонга келиб, талабларимиз тўғрилигини тасдиқлашди. Натижада одамларни заҳарлайдиган асосий цехлар ёпилди. Эндиликда корхонанинг етмиш фоиздан кўп маҳсулотини кенг истеъмол моллари ташкил этадиган бўлди. Бундан ташқари, халққа 40 минг тонна шелуха сотилишига қарор қилинди.

Дастуримда ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилиши ҳақидаги банд ҳам бор эди. Мен Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг Тил бўйича тузилган комиссияси аъзоси сифатида бу борада қўлимдан келган ишни қилдим. Мана, она тилимизга Давлат мақоми берилиши ҳақида қарор чиққанига ҳам бир йил бўлаяпти.

— Чиқишга чиқди-ю, лекин ҳозирча унинг таъсири у қадар сезилмаяпти-ку...

— Айб ўзимизда. Жойларда қонунни маҳкам ушламаяпмиз. Қатъиятлик етишмаяпти.

— Шу йўналиш юзасидан шахсан сизнинг жамоада қандай ишлар қилинди!

— Эски ўзбек тилини кенг ўрганиш йўлга қўйилди. Ўзбек тили факультетида риторика бўйича махсус курс очдик. Ҳужжатларни ўзбекчалаштиряпмиз. Бундай ўйлаб қарасак, она тилимиз бузилиб кетган экан. Агар яхшироқ разм солсангиз, аксарият ёзувчи-ю шоирларимизнинг ҳам тили қашшоқлигини, улар бўлар-бўлмасга рус, хорижий сўзларни тиқиштираверишини сезасиз:

— Айтинг-чи, сизнинг институтда қайси тиллар ўргатилади!

— Ўзбек, рус, инглиз, француз ва немис.

— Нима дейсиз, французча билан немисча ўрнига араб ва форс тилларини ўрганишни жорий этсак бўлмайдими! Мен бунда нафақат институтингиз, балки жумҳуриятимиздаги педагогика, хорижий тиллар ва шунга монанд бошқа олий ўқув юртларию, мактабларни назарда тутаяпман.

— Биласизми, агар биз миллатимиз келажагини ўйласак, фарзандларимизга иложи борича кўпроқ тил ўргатишимиз лозим. Бир тилни билган одам бир одам, икки тилни билган одам икки, уч тилни билган одам эса уч нафар одам ҳисобланади. Шунинг учун бу фикрингизга қўшилмайман. Французчаям, немисчаям, керак бизга, айниқса, немисча.

— Сиз немис тили бўйича мутахассис бўлганингиз учун ҳам уни ҳимоя қиласиз-да, албатта!

— Йўқ, йўқ. Сиз статистикага назар ташланг. Жаҳонда ушбу тилда фалсафа, илмий-техника ҳамда инсоният учун зарур кўпгина бошқа ранг-баранг адабиётлар чиққан ва чиқариляпти. Аммо мен сиз айтиб ўтган тилларга ҳам қарши эмасман. Биласизми, бир вақтларда институтимизда форс, араб тиллари ўтиларди, факультатив тарзда.

— Аниқроғи, сизларда ўргатиладиган асосий тилларга илова сифатида, тўғрими!

— Худди шундай. Афсуски, меҳнатимиз зое кетди — бу икки тилни эгаллаган мингдан зиёд йигит-қизнинг биортасиям арабчаю форсчадан дарс беришмайди. Сабаби: ушбу тилларга мактабларимизда эътибор суст, иккинчидан эса, дарсликлар йўқ.

— Бунинг учун эса аввало етук мутахассислар тайёрлаш лозим. Мана, ҳатто сизларда ҳам улар илова шаклида ўтилган экан-ку... Мен нега бу икки тилга алоҳида урғу беряпман! Ўзингиз яхши биласизки, ота-боболаримиз ана шу тилларда сўзлашишган, ёзишган, демоқчиманки, улар руҳимизга яқин тиллардир. Шунинг учун ҳам бу икки тилга кенг ўрин бериб, французча билан немисчани факультатив шаклда ўргатилса бўлаверадику, ҳатто мактабларда ҳам.

— ...Умуман бизнинг мактабларимизда таълим-тарбия системасини тубдан ўзгартириш керак, агар биз жумҳуриятимизни етук, индустриал ўлкага айлантиришни истасак.

Мен СССР Олий Шўросининг фан-техника, халқ таълими ва маданият комиссиясига аъзоман. Шу боис таълим-тарбия иши билан яқиндан танишишимга тўғри келаётир. Унинг аҳволи, айниқса, Ўзбекистонда чатоқ. Мактаб бинолари (айниқса, қишлоқларда) ниҳоятда хароб. Ҳатто Андижон шаҳрида ҳам 2-3 сменали мактаблар бор. Бир синфда 40 нафардан бола ўқитилади. Ҳатто шундай синфлар ҳам мавжуд эканки, уларда атиги 7-8 нафар ўқувчи ўқиркан. Яна денг, шуларнинг бири 1-синф, иккинчиси 2-синф, учинчиси эса 3-синф... болалари.

Яна бир фикр: қишлоқларимизда физика, математика, тарих ва бошқа фанлар бўйича ихтисослаштирилган мактаблар очиш лозим. Чунки қишлоқларимизда истеъдодли болалар жуда кўп бўлиб, улар жиддий йўл-йўриққа муҳтождир.

— Яхши бўларди. Аммо қишлоқларда таълим-тарбияга путур етказадиган жиддий бир муаммо мавжуд. Биз кураша-кураша, ўқувчиларимизни дала ишларидан озод қилдик, ҳисоб. Лекин оилавий пудрат чиққач, энди болаларни ота-оналарининг ўзлари турли қишлоқ хўжалик ишлари билан боғлаб ташлашяпти. Ва натижада яна чаласаводлик авж оляпти... Тушунарли, камбағаллик, етишмовчиликнинг оқибати бу.

— Ҳақиқатан ҳам. Ахир Ўзбекистонда тўққиз миллион камбағал бор. Камбағаллик, айниқса, қишлоқларда яққол сезиляпти. Буни ечишнинг йўллари анчагина, шулардан бири — етиштирилаётган маҳсулотлар: пахта, пилла ва бошқаларнинг харид нархини кескин ошириш.

— Съездда мамлакатимиз иқтисодини соғломлаштириш бўйича қабул қилинган ҳаракат дастурида худди шу масала ҳам маълум маънода ўз аксини топган. Айтинг-чи, шу дастур сизга ҳамма томондан маъқул келдими! Сиз уни қўллаб-қувватладингизми ёки қарши овоз бердингизми!

— Қўллаб-қувватладим. Тўғри, унинг ўзига хос ютуқларию камчиликлари бор. Аммо съездда унга муқобил дастур қўйилганида ва у биринчисидан анча мукаммал бўлганида, сўзсиз, унинг учун овоз берган бўлардим...



«Устоз ва шогирдлар». Рўзномамиз сураткаш мухбири Еркебой БОТИРОВ юқоридаги суратни шундай деб номлабди. Хўш, улар ким? Тошкент «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасидагилар уларни яхши танишади. Аниқроқ иш жойлари эса корхонанинг тажриба участкаси. Ҳар уччала устоз ва шогирд ойлик режа-топшириқларини анча зиёд қилиб уддалаш билан бирга тайёр андозалар замонабоп, бежирим бўлишига катта улуш қўшишмоқда. Улардан энг тажрибалиси Насиба Ҳайдарова (ўнгдаги). Машҳура Махсудова ва ёш ишчи Шоҳиста Салоҳиддиновалар ҳам нафақат чеварлиги, қолаверса тадбиркорликлари билан бошқаларга ибрат кўрсатишмоқда.

Саломатлик клуби

«ХЎРОЗАК». КАСАЛЛИГИ НИМА?

Болалар бўлимига тўрт яшар қизчани олиб келишди. Онасининг айтишича, ярим тунда Азизанинг нафас олиши бирданига қийинлашиб, овози ҳам хириллаб чиқа бошлаган. Лаб атрофлари кўкариб, боланинг нафаси чиқмай ҳиқиллаб қолиши хўроз қичқириғига ўхшаб қийқириш билан алмашиниб турган. Беморга керакли дори-дармонлар қилинишига қарамасдан юқоридаги ҳолат кучая борди ва ниҳоят томоқ касалликлари бўйича мутахассис врачлар ёрдамида кекирдакни ташқари томондан операция йўли билан очиб, резина най қўйилгандан кейин у енгил нафас ола бошлади.

Юқоридаги касаллик икки ёшдан олти ёшгача бўлган болалар ўртасида кўп учрайди. Айниқса, бола ухлаб ётганда, тун ярмида бирданига бошланади. Гўдак нафаси қисганидан чўчиб уйғонади ва овози бўғилиб хириллайди. Шунинг билан бирга қуруқ, бўғиқ йўтал пайдо бўлади.

Йўтал томоқнинг кекирдак — халқум қисмида қаттиқ оғриқ билан давом этади. Касалликнинг хуруж қилган даврида овоз бойламлари қалинлашиб шишади ва овоз тешиги вақти-вақти билан тиқилиб, боланинг кўкариши, очилган пайтда эса, хўроз қичқириғига ўхшаш овоз чиқариши билан кечади. Шунинг учун ҳам бу касаллиқ қадимда «хўрозак» касали деб аталган.

Касалликнинг келиб чиқишига асосан овоз бойламлари, овоз пардасининг қаттиқ яллиғланиши сабаб бўлади. Бола уйқусида танаси терлаб, бирдан совуса, ўйнаб келиб иссиқлаб турганида совуқ сув ичса, музқаймоқ еб кейин ухласа «хўрозак» касаллигига чалиниши мумкин. Баъзан икки-уч ёшли болаларда бурун шиллиқ пардалари шамоллаб, бурун катаклари тиқилиб қолади, натижада бола ухлаганда оғзини очиб нафас олади. Овоз бойламлари ва овоз тешиги орқали кирадиган совуқ ҳаво уларни яллиғлантиради. Айрим ҳолларда нафас йўлларига тугма, чақа, данак сингари ёт жисмларнинг тушиши ҳам юқоридаги касаллик белгиларини келтириб чиқарган ҳолатларига дуч келганмиз.

Касалликнинг бўғма микроби (дифтерия) келтириб чиқарадиган оғир формаси болаларда жуда мушкул кечади. Бу касалликни юқорида биз айтиб ўтган касалликдан тез кечиши, ўзидан кейин жуда оғир асоратлар қолдириши, овоз бойламлари устида қаттиқ парда ҳосил қилиши ва ниҳоят лаборатория усулида бўғма микробни аниқлаш билан фарқланади. Касалликнинг бу тури болаларни ёшлиғидан эмлаш туфайли кейинги йилларда Иттифоқимизда бутунлай йўқолиш арафасида турибди.

Азизанинг томоқ йўлларидаги шиллиқдан олинган анализ унда ҳақиқий бўғма (дифтерия)-нинг йўқлигини кўрсатди. Бу касаллик бўғманинг оддий формаси, яъни овоз пардаларининг қаттиқ шамоллаганини исбот қилди. Қизча ўн беш кун атрофида тамоман соғайиб кетди.

Касаллик қанча тез аниқланса, вақтида касалхонага олиб келинса, беморга тегишли мутахассис ёрдами кўрсатилса, натижаси ҳам шунчалик яхши бўлади. Акс ҳолда тезлик билан кечадиган формадаги бу касалликдан боланинг бўғилиб нобуд бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Даволаш муассасаларидан олис жойларда яшовчилар буни асло эсларидан чиқармасликлари шарт. «Тез ёрдам» етиб келгунига қадар боланинг бошини баланд ётқизиб, ёқа тугмаларини ечиш, тоза ҳаводан нафас олдириш, оёқларига иссиқ сув солинган грелкалар қўйиш, унинг аҳволини вақтинча енгиллаштиради, холос. Бола касалхонага ётқизилганидан кейин нафас етишмовчилигининг даражаларига қараб, операциясиз ёки операция йўли билан даволаниши мумкинлигини фақат мутахассис врач ҳал қила олади.

Норқул ҲУСАИНОВ,
Бухоро вилояти, Қоракўл ноҳия касалхонасининг болалар шифокори, СССР Соғлиқни сақлаш аълочиси.

Жумҳурият янгиликлари

Халқ депутатлари вилоят Шўроси ижроия комитетининг қарорига биноан Фарғона вилояти шаҳарларида қобилиятли болалар учун учта ихтисослашган мактаб-интернат очилади.

Киргули ишчилар посёлкасида 13-ҳунар-техника билим юрти негизида физика, информатика, кимё ва биология фанларини чуқур ўргатадиган мактаб интернат ташкил этилмоқда. Бу ерда биринчи сентябрдан бошлаб 120 нафар ўқувчи сабоқ ола бошлайди. Қўқондаги учинчи ўқув комбинати биносида физика-математика йўналишидаги мактаб жойлашади, бу ерда 500 нафар бола ўқийди. Фарғонада, 11-мактаб негизида ҳам икки юз ўринли шундай интернат очилади.

Ҳозир янгитдан ташкил этилган мактаб интернатларда хоналар ўқув-техника ускуналари билан жиҳозланмоқда, тажрибаси катта ўқитувчилардан иборат тарбиячилар жамоаси ташкил этилмоқда.

* * *

«Халқаро иқтисодий муносабатлар» — Тошкент халқ хўжалиги институтидаги янги факультет шундай деб аталади. Кириш имтиҳонларини муваффақиятли топширган 100 нафар йигит ва қиз ушбу факультетнинг дастлабки талабалари бўлишди.

Янги факультетда Москва халқаро муносабатлар институти, Москва молия институти ва Ленинград Давлат дорилфунунида иш ўрганиб келган институт муаллимлари дарс берадилар. Мазкур факультет талабалари учун амалий машғулотлар эса қўшма корхоналарда, институт ҳозир амалий алоқалар ўрнатаётган хорижий фирмалар ва ўқув муассасаларида ўтказилиши мўлжалланган.

Факультетни битирган ёшлар маркетинг, халқаро валюта-кредит ва молия муносабатлари, ташқи иқтисодий фаолиятни ҳисобга олиш ҳамда таҳлил этиш бўйича мутахассис бўладилар. Улар келгусида Ўзбекистон ҳамда хорижий мамлакатлар, жумҳуриятнинг савдо ваколатхоналарида ташкил этиладиган қўшма корхоналарда ишлашлари керак.

* * *

Олмалиқ шаҳар болалар касалхонаси янги бинога кўчиб ўтди. Унда эски бинодагига қараганда қарийб тўрт баравар кўп — 220 та ўрин бор. Энди ушбу касалхона негизида ноҳияларaро маслаҳат — касалликни аниқлаш маркази тузилди. Тошкент вилояти ноҳияларидан ташқари қўшни Ленинобод вилояти бир қанча ноҳияларининг аҳолиси ҳам унинг хизматидан фойдаланиши мумкин. Янги тиббий муассасани Ўзбекистон шаҳар қурилиши трестининг 354 - механизациялашган кўчма колоннаси бинокорлари бунёд этдилар.

ЙИГИТ КЎЗ ЁШЛАРИ

У ЙИГИРМА ЙИЛДАН БЕРИ АРМОН БИЛАН ЯШАЙДИ, ШИФОКОРЛАРДАН НАЖОТ КУТАДИ

ҲЕЧ КИМНИ тўшакка михланиб, ётгулик қилмасин.

Ҳар йили фасллар алмашади. Кимникидадир карнай-сурнай чалинса, кимнидир одамлар сўнгги йўлга кузатиб қўядилар. Уйининг шундоққина орқасидаги катта йўлдан машиналар «ғиз-ғиз» ўтади, мактабга бораётган болакайларнинг қий-чувлари эшитилади. Йигитнинг ичи пишади, ўрнидан даст туриб кўчаларга чиққиси, кўкрагини тўлдириб нафас олгиси келади. Бироқ... оёқлари жонсиз, эгасининг ҳукмига бўйсинмайди.

Салкам йигирма йилдирки, шу аҳвол. Яқинда қўлига кўзгу олиб, унга узоқ тикилди. Кўзгудан ранги синиққан, сочларига оқ оралаган, кўзларининг тубида сўнгсиз дард-алам, армон-ўкинч яширинган йигит кўринди. Юрагининг қаеридадир оғриқ турди. Киприкларида ёш томчилари ялтиради. Ёстиққа ҳолсиз ёнбошлади. Негадир марҳум ота-онаси, акаси ёдига тушди. Хаёлида улар ўзига хомуш тикилиб тургандек туюлди...

...Ака-ука бирдан ҳарбий хизматга кетадиган бўлиб қолишди. Қишлоқ одатига кўра ўша куни кундузи соқолар олдига дастурхон ёзилди. Кечқурун эса ўртоқлари тўпланишиб, ярим кечагача чақ-чақлашиб, кулги-кулгу қилишди.

Амир ака билан Муҳаббат опа фарзандлари Одилжон билан Анварни кузатгунча неча бор йиғлаб олишди. Анвар катта эмасми, ота-онасига тасалли берди, сингилларига «хат-пат ёзиб турринглар», деб тайинлади.

Ота-она, туғишганлар қадри узоқ, мусофир юртда айниқса тез билинар экан. Битта қисмга тушган ака-ука икки ой ўтар-ўтмас уйдагиларни соғинишди. Айниқса, Одилжоннинг кўз олдидан онасининг мунгли қиёфаси сира-сира кетмасди. Киприги илинди дегунча тушида отасини, сингилларини кўрарди.

Улар хизмат қилаётган қисм қурувчилик билан шуғулланар экан. Бир куни кечқурун алламаҳалда аскарларни уйғотишди. Декабрь ойи, ташқари совуқ. Кимдир: «Вагонда шағал олиб келишибди», деди. Йигитлар бир зумда кийиниб, командага тайёр туришди.

Кечагина ўрта мактабни битирган, ғодда-гўл қишлоқ ёшлари умрида шағал туширмаган, қандай туширишни ҳам билмайди. Бундан ташқари йигитлар техника хавфсизлиги хусусида йўлланма олишга ҳам улгуришмаган.

Ака-ука совуқда «тараша»си чиқиб кетган вагонни очишга уриниб, темир билан уришарди. Ғира-шира қоронғуликда учқунлар сачрарди. Ҳаммаёқни «тарақ-туруқ» овози босиб кетганди. Шу пайт... Люк очилиб, зил-замбил қилиб юкланган шағал пастга сурилди. Одилжон қочишга улгурмади: муздек шағал йигитнинг кўкрагигача босиб қолди. Кимдир жон ҳолатда қичқирди, кимдир қўлтиғидан ушлаб тортди. Кўз олди қоронғулашди, эс-ҳушини йўқотди...

Ака-укани очиқ юк машинасига ётқизиб, 20 километр узоқликдаги ҳарбий госпиталга олиб келишди.

Одилжон эртасига ўзига келди, бўлиб ўтган воқеаларни эслади. Аъзою-бадани зир қақшаб оғрирди. Ҳаммадан ёмони — оёқлари ўзига бўйсунмасди. Наҳотки бир умр мажруҳ бўлиб қолса?! Акаси Анвар тирикмикан? Бояқиш ота-онаси бу кўргуликларни кўтариша олармикин?

Одилжон ана шу хаёллар билан эзилиб ётганда ҳарбий қисмдан кимдир палатага кирди. У йигитга далда бериш ўрнига қўлидаги суратни кўрсатди.

— Сизлар инструкцияга амал қилмагансизлар? Бу суратдан ҳам билиниб турибди.

Суратдаги одамни таний олмади. Ўша кечаси ҳеч қанақа суратчи йўқ эди-ку. Ҳа, демак, ҳарбий қисмдагилар жавобгарликдан қўрқиб, суратга қўл қўйдириб олишмоқчига ўхшайди. Одилжон қўл қўймади...

Бир куни палатага қўшни палатада даволанаётган истеъфодаги полковник Александр Иванович кирди. У йигитнинг дардини эшитиб, тутақиб кетди, кимларнидир ўхшатиб сўкди.

— Парво қилма йигитча, — деди полковник унинг елкасига қоқиб, — ўзим сенга ёрдам бераман.

Александр Иванович Москвага хат ёзди. Қарангки, хат ҳали почта қутисига ташланмасдан, Одилжонни сўроқлаб савлатли кишилар кириб келишди. Кўп ўтмай, операция ўтказишди. Сўнг Саратов ортопедия ва травматология илмий-текшириш институтида 11 ой даволанди.

Муҳаббат опа ўғлининг бир алфозда ётганини кўриб, юрак-бағри эзилиб кетди, йиғлайвериб кўзларида ёш қолмади.

— Йиғламанг, ойижон, тузалиб қоламан. Дўхтирлар ҳеч нарса қилмайди, дейишяпти...

У ўшанда ойисини алдаган эди. Шифокорларнинг уринишлари, қайта-қайта операциялар фойда бермади: оёқлари жонсизлигича қолаверди. Акаси эса енгил жароҳатланган экан, 12 кун ётиб, яна хизматига қайтиб кетди.

11 ойдан сўнг Одилжонга рухсат беришди. Ҳарбий хизматдан муддатидан олдин бўшатилган Анвар, икки йигит ҳамроҳлигида яримжон Одилжонни олиб, Чинозга қайтиб келишди.

Йигитнинг барча азоб-уқубатлари, сарсонгарчиликлари шундан кейин бошланди. Уни Чинозда қайта операция қилиб, дардига дард қўшишди. Амир ака Туркистон ҳарбий мавзеси раҳбарларига айтиб, ўғлини Тошкентдаги 17-шифохонага ётқизди, 8 ойда тузалар-тузалмас жавоб беришди. Ота ўғлини опичиб, жумҳурият Вазирлар Кенгашига борди. Жигаргўшасини яна ўша шифохонада олти ой даволатди.

1975 йили Одилжон ниҳоятда қаттиқ азоб чекди. Икки сони чеккасидаги яралари сира тузалмасди. Амир ака энди ТашГРЭСдаги вилоят шифохонасидан нажот истаб борди. Афсуси, у ерда беморни қабул қилишмади. Ота ўғлини опичиб, «Правда Востока» рўзномаси муҳарририятига келди. Муҳаррият ходимларининг ёрдами билан ўғлини шифохонага ётқизди...

Одилжон тоғни урса, талқон қилгудек азамат йигит эди. Тўрт мучали соғ бўлганда ҳеч қаерга ёрдам сўраб бормасди. Начора, соппа-соғ ҳарбий хизматга кетган йигит бугунги кунда ёш боладек ночор бўлиб ўтирибди. Ота-она эса ўғиллари дардида дунёдан эрта кетишди. У акаси Анварга суяниб қолганди. Қарангки, худо уни ҳам кўп кўрди: эндигина қирчиллама қирқ ёшга кирган йигит оғримай-нетмай тўсатдан вафот этди. Катта акаси Аваз болачақасига ўралашиб қолган. Оиласи катта. Одилжон келинойиси Муҳтарам, акасининг фарзандлари Нигора, Улуғбеклар билан яшайди. Сингиллари Холис болалар боғчасида, Раъно шаҳар Шўросида, Озода маиший хизмат кўрсатиш комбинатида ишлайди. Одилжон ҳарбий хизматдан соғ-саломат келганда-ку, сингилларига зориқмасди, келинойиси, акасининг зурриёдларига раҳнамолик қиларди. Тўрт мучали соғ йигитга уй қуриш нима деган гап! Тақдир зарбасини қарангки, азамат йигит менга уй қуришда ёрдам беринглар, деб турли идораларга бош уриб борди, «Наҳотки, 30 та шиферга пул тополмай қолдингиз», дейишса ҳам тишини тишига босди.

Одам умид билан яшайди. Одилжоннинг ҳам ҳаётдан илинжи кўп. У бир марта ноҳия ижтимоий таъминот бўлимининг ўша пайтдаги мудири Исмоил Зоҳидов ёрдами билан Қримга бориб, машҳур жарроҳ Анатолий Петровичда даволанганди. У олти йиллик ярани кесиб, тузатганди. Афсуски, қўли енгил шифокор вафот этибди. Бошқа шифохоналардан тузукроқ тиббий ёрдам ололмади. Тошкентдаги ҳарбий госпиталда ётай деса, бу ерга аскарларни қўйишмас экан.

— Яраларимни фақат шу госпиталдагина тузатиб юборишади, — дейди умид билан Одилжон.

Баъзи мансабдор кишилар минбарларга чиқиб, «ўртадан меҳр-оқибат кўтарилиб кетяпти», дейдилар-у, ўзларига ёрдам сўраб борган кўнгли яримта кишиларга қайрилиб қарамайдилар, қачонки, юқоридан кўрсатма келиб, журналистлар бонг уришганидагина ҳаракатга тушиб қоладилар, узоқ йиллар ҳал бўлмаётган муаммолар бир зумда ҳал бўлади.

Одилжон Москвага хат ёзишга мажбур бўлди. У ўз мактубида бор гапларни ёзди, ҳарбий хизматда орттирган жароҳати туфайли дунёдан сўнгсиз армонлар билан ўтиб кетаётганини айтди.

Шундан кейингина ноҳия ижроия қўмитасидан вакил келиб, минг сўм атрофида қурилиш ишларини бажартирамиз, дейишди. Қурувчилар 17 кун ишлаб, битта хонани наридан-бери сувоқ қилиб, жўнаб қолишди. Чиноз масжиди мутаваллиси Исмат ака 100 сўм ташлаб кетди. Югославияда ишлаб чиқарилган қулай ва енгил аравача беришди.

— Мен Ўзбекистон Президентининг Фармонини ўқидим, — деди Одилжон Исаев. — Улуғ Ватан уруши ногиронларига, байналмилалчи жангчиларга катта ҳиммат кўрсатилибди. Ўзбекистон партия ва ҳукуматининг халқпарвар сиёсати, дадил ҳаракатлари кўнглимни тоғдек кўтарди. Ўзбекистондан чақирилган ҳарбий қурувчиларнинг хизматни Туркистон ҳарбий мавзесида ўтказишлари тўғрисида қарор қабул қилинибди...

Одилжоннинг кўнглидан нега шу қарор илгарироқ қабул қилинмадийкин, деган ўй ўтганини сезиб турардим.

— Биласизми, ёшим ўтиб боряпти, — деди у ўкинч билан. — Наҳотки, тиббиётимиз шу қадар ожиз бўлса?! Наҳотки, мен шу алфозда ётаверсам?!

Йигитнинг кўзларида ёш айланди, овози титради. Унга нима деб жавоб беришимни, қандай юпатишимни билмасдим. Чунки, Одилжонга тасалли эмас, ҳақиқий даво керак. У Тошкентдаги ҳарбий госпиталда ётишни орзу қилади, ўша ерда тузалиб чиқишига астойдил ишонади.

Ватан хизматига бориб, мажруҳ бўлиб қайтган йигитнинг орзусини амалга ошириш, оёқларига жон бағишлаш, ҳеч бўлмаганда ҳолсизланган организмини мустаҳкамлаш шунчалик қийинмикин? Ахир, ана шундай кўнгли ярим кишиларга мурувват кўрсатмасак, ҳол-аҳволларини сўраб турмасак, меҳр-оқибатдан гапиришимиз жоизмикин?

Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий мавзеси, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Чиноз ноҳия партия ва ижроия қўмиталари раҳбарлари собиқ аскарнинг, мурувват, меҳрга муҳтож бўлиб ётган ногирон йигитнинг ўтинчларига қулоқ солишар, бирор чора-тадбир ўйлаб кўришар, деб умид қиламиз.

МАҚОЛАМИЗГА шу ерда нуқта қўйсак ҳам бўларди. Лекин, бир мулоҳазамизни айтмасдан туролмадик. Гап шундаки, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, байналмилалчи жангчиларга катта қулайликлар яратилди. Ҳарбий хизматда тобланиб, туғилган гўшасига Алпомишдек кучга тўлиб қайтиш ўрнига, кутилмаган фалокатлар туфайли ишга ярамай қолган собиқ ҳарбий қурувчилар, улар оиласига ғамхўрликлар кўрсатиш, ҳарбий госпиталларда даволатиш тўғрисида ҳам Президентимиз Фармони зарурга ўхшайди. Чунки, бирор Фармон ёки кўрсатма бўлмаса баъзи кишилар ҳамон бир қадам босмайдилар, меҳр-шафқат, мурувватларини дариғ тутадилар. Худди шундай кишиларга фармон керак.

Зора, шунда Одилжонга ўхшаб, ҳарбий хизматда қурувчиликда ишлаб, ногирон ва кўнгли ярим бўлиб қолган йигитлар дарди енгиллашса...

Эсон ҚОСИМОВ,
журналист.

ВАТАН ҚАНОТЛАРИ

Совет халқи 19 августда СССР Ҳаво Флоти кунини нишонлайди. Ҳарбий кенгаш аъзоси — Ҳарбий-Ҳаво Кучлари сиёсий бошқармасининг бошлиғи генерал-лейтенант Г. М. Бенов ТАСС мухбири Б. СОПЕЛЬНЯКка ҳарбий учувчилар ўзларининг касб байрамини қандай кутиб олаётганликлари тўғрисида гапириб берди.

— Геннадий Матвеевич, Ватанимиз учувчиларининг касб байрамини эллик еттинчи марта байрам қилмоқда. Бу йил нишонланаётган СССР Ҳаво Флоти куни аввалги йиллардагидан фарқ қилади, айтайлик, ўн йил илгариги байрамлардан нимаси билан фарқ қилади? Шу ҳақда гапириб бера оласизми!

— Биринчи авиация байрами — СССР Ҳарбий Флоти куни 1933 йилнинг 18 августида ўтказилган эди. Орадан кўп ўтмай, у чинакам халқ байрамига айланганлигини айтсам, муболаға бўлмас, деб ўйлайман. Худди шу куни совет халқи ўз ўғлонларини, Ватанимиз осмонининг ҳимоячиларини шарафлайди. Учувчилар ҳам халқимиз олдида юзлари шувут бўлиб қолмаслиги учун ҳаракат қиладилар, ўзларининг маҳоратларини, авиаконструкторларнинг энг сўнгги ютуқларини намойиш этадилар.

Бу йилги СССР Ҳаво Флоти куни ўзига хос хусусиятга эга эканлиги, шубҳасиз, бу энг аввало мамлакатимизда рўй бераётган жараёнлар, фикрлашимизнинг тубдан ўзгариши ва сиёсий курашлар билан узвий боғланган. Яқин ўтмишда, ишларимиз унча яхши бўлмаган пайтларда ҳам ҳар бир байрамга эришилган ютуқлар ҳақида зафарномалар ёзиш ва мақтов сўзлари айтиш одат тусига кирган эди, шундай қилиб, ҳали амалга оширилмаган ишлар бажарилди, деб кўрсатиларди. Энди бутунлай бошқача йўл тутяпмиз. Биз ҳатто байрам кунларида ҳам ҳозирги вақтдаги машаққатлардан ўзимизни олиб қочмаймиз, боз устига қайта қуриш йўлларида қилинган ишларга якун чиқариш учун унга оралиқ босқичи сифатида қараймиз.

Айни вақтда амалий ишларга ортиқча берилиб кетиш байрамнинг ўзига хос файзини йўқотиб юбормоқда, уни олдиндан тайёрланган тадбирга айлантирмоқда. Ана шундай маросимларда кўкракка уриб нутқлар сўзланмоқда. Байрам байрамдек бўлиши керак! Уни қандай қилиб умумхалқ тантанасига айлантириш уқувини оталаримиз ва боболаримиздан ўрганишимиз керак, деб ўйлайман. Урушдан аввалги ва ундан кейинги дастлабки йилларда ҳаво парадлари, авиация техникаси кўргазмалари, оммавий равишда парашютдан сакрашлар, донг таратган авиаторлар билан учрашувлар ўтказиларди...

Ана шу тантаналарда ҳозир бўлган ёшлар инсон фаолиятининг ноёб бир соҳаси — учиш машаққатларига ошно бўларди. Аэродромларда намунали учишлар вақтида ёшларга хос завқ-шавқ, орзу-армонлар ҳукмрон бўларди. Қанчадан-қанча йигитлар кишини танг қолдирадиган ана шундай байрамларда учувчилик «дардига гирифтор бўлиб» аъло даражали мутахассислар бўлиб етишмади, дейсиз! Мен шунга қаттиқ ишонаманки, буларнинг ҳаммасини биз қайтадан тиклашга мажбурмиз. Авиацияга завқли-шавқли, орзулар қанотида илҳомланган, бешинчи океаннинг ҳудудсиз кенгликларига жону-дилдан берилган йигитлар керак. Бу баландпарвоз сўзлар эмас, ҳарбий авиациянинг хусусиятлари ана шу барча фазилатларни тақозо этади. Дарвоқе, капиталистик мамлакатларда буни жуда яхши тушунишади — у ерда махсус эскадрильялар тузилган, бу эскадрильялар мунтазам равишда ёшлар олдида ўз маҳоратини намойиш этиб туради. Англия қироллиги ҳарбий-ҳаво кучларида «Қизил камон», АҚШ денгиз авиациясида «мовий фаришталар» эскадрильялари ана шундай иш билан шуғулланади. «Мовий фаришталар» эскадрильяси Сиэтлда ўтказилган Яхши ният ўйинларининг ёпилишида бизга ўзининг кишини ҳайратомуз маҳоратини намойиш этганди.

— КПСС XXVIII съездининг ҳозирги босқичда партия ҳарбий сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисидаги резолюциясида қуролли кучларда, шу жумладан улар ўзларига хос бўлмаган ишларни бажариш, шахсий составни малакали кадрлар билан тўлдириш, уни касб-кор жиҳатдан тайёрлаш, етказиб берилаётган техника ва қурол-яроғлар янги турларининг сифати ва сони билан, интизом, ҳарбий хизматчилар ҳаёти ва улар оилаларини ижтимоий жиҳатдан суст ҳимояланганлиги билан боғлиқ кўплаб-кўп муаммолар тўпланиб қолганлиги айтилган. Бу муаммолар Ҳарбий-Ҳаво Кучларига қай даражада тегишли ва улар қандай ҳал этилади!

— Бевосита алоқаси бор. Чунки Ҳарбий-Ҳаво Кучлари Қуролли Кучларнинг турларидан бири бўлиб, армиямиз ва бутун жамиятимизнинг ўша барча ижтимоий хасталиклари унга ҳам тегишлидир. Армияни жанговар машқларни нормал ташкил этиш учун барча зарур нарсалар билан яхши таъминланмаганлиги мушкул масалаларнинг бири бўлиб турибди. Биз ўзимизнинг бевосита ишимиз — учувчилар ҳарбий тайёргарлигини ошириш ва улар маҳоратини такомиллаштириш билан шуғулланиш ўрнига, борган сари хўжалик ишлари билан кўпроқ шуғулланиб, унга муккамиздан кетяпмиз. Ўзимиз қурамиз, бинокорлик материалларини ҳам ўзимиз излаб топяпмиз, автомобиллар, тракторлар, грейдерлар ва бульдозерларнинг етишмаётган эҳтиёт қисмларини жамоа хўжаликлари, турли корхоналар ва бошқа қаерлардандир қидириб топаяпмиз.

Ёки мана бу мисолни олайлик. Бизни баъзида фуқаролар иншоотларида ишлаш мақсадида ҳарбий хизматчиларни жалб этишга рухсат бераётганлигимиз учун танқид қилишади. Хўш, нима қилишимиз керак? Гарнизон томонидан ботқоққа ботиб кетган, асфальт етказиб бериш хусусидаги илтимосларимиз бажарилмаётган, завод директори эса ана шу энг камёб материалнинг неча ўн тоннасини ишчиларини алмашиш эвазига беришга ваъда қилаётган бўлса, нима ҳам қила олардик. Қоидага амал қилиб, «олма пиш, оғзимга туш» қабилида ўтиришдан ҳам осонроқ иш борми. Лекин биз бундай аҳволда «олма пишишини», кечирасиз, бизга асфальт олиб келишларини кутавериб тоқатимиз тоқ бўлади. Шу боисдан ўзимиз учун қулай йўллар билан аҳволдан қутилиш чораларини топяпмиз, бунинг учун эса матбуот бизга кўпинча адолатли тарзда ўт очяпти.

Бизда баъзи жумҳуриятлар ёшларни армияга чақириш ва муддатли хизматни ўташ тартибига тааллуқли янги қонунлар қабул қилиши муносабати билан ҳам қўшимча муаммолар пайдо бўлди. Натижада қочоқлар оқими кўпайиб кетди. Бу йил Ҳарбий-Ҳаво Кучлари қисмларидан 170 дан ортиқ киши қочиб кетди. Уларни топиш ва жойларига қайтариш учун юзлаб офицерларни ўзлари бажараётган бевосита ишлардан чалғитишга тўғри келди. Бу ҳам ишларимизга салбий таъсир кўрсатганлигини тушуниб турибсиз, албатта.

Лекин энг мушкул масала — офицерлар, прапоршчиклар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш масаласидир. Уй-жой масаласида жуда оғир аҳвол вужудга келди: бугунги кунда Ҳарбий-Ҳаво Кучларида 39 минг нафардан кўпроқ офицер ва прапоршчик, шу жумладан 6 минг нафардан кўпроқ учувчининг уйи йўқ. Совет қўшинлари гуруҳлари Венгрия, Чехословакия ва Монголиядан олиб чиқилгач, уларнинг сони яна уч ярим — тўрт минг кишига кўпаяди. Биз ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий таъминлашга доир мудофаа вазирлиги ишлаб чиққан давлат дастурига катта умид боғламоқдамиз. Очиғини айтсам, бутун орзу-умидларимиз ушбу дастурнинг бажарилишига боғлиқ. Агар у барбод қилинадиган бўлса, ёмон оқибатлар рўй бериши мумкин.

— Барибир тайёралар ва вертолётлар учиб турибди. Ҳозир уларнинг аҳволи қандай! Принцип жиҳатидан янги ишланмалар борми, хорижий мамлакатлардаги энг яхши намуналар билан рақобат қила оладиган тайёра ва вертолётлар борми!

— Ҳарбий авиациямиз кейинги йилларда сон жиҳатдангина эмас, айни вақтда сифат жиҳатдан ҳам ўзгарганлигини айтиш муҳимдир. Бу жараён давом этмоқда. Бугунги кунда Ҳарбий-Ҳаво Кучлари — СССР Қуролли Кучларининг ниҳоятда жўшқин ва ақл-заковат ишлатиладиган энг зўр турларидан бири бўлиб, космонавтиканинг бешиги ҳисобланади, у ўзида фан-техника тараққиётининг энг олий ютуқларини жамлаган. Тўғри, бизда тайёра ва вертолётларнинг эскириб қолган хиллари ҳам ҳозирча бор, лекин Ҳарбий-Ҳаво Кучларининг жанговар қудрати асосини авиация техникасининг янги авлоди ташкил этади. Бу, энг аввало, жаҳонда жуда машҳур бўлган жанговар тайёралар бўлиб, улар биринчи марта Бурже 38-халқаро авиация салонига қўйилган МИГ-29, СУ-27, СУ-25, шунингдек «Руслан» деб аталган АН-124 юк ташувчи ниҳоятда катта тайёралардир. «Руслан» юк ортиш, баландликка кўтарилиш ва юк билан узоқ учиш бўйича мутлақ жаҳон рекордларини қўлга киритган.

Совет жанговар тайёралари ва вертолётлари Англия, Франция, Канада, Сингапурда ўтказилган авиасалонларда катта шов-шувга сабаб бўлди... Хорижий мутахассислар, бизнинг ишимизга жуда талабчанлик билан баҳо берадиган кишиларнинг фикрига қараганда, «Совет авиация техникаси тасаввур қилиниши мумкинлигига нисбатан анча қудратли ва техникавий жиҳатдан мукаммал» бўлиб чиққан.

Совет авиация техникаси жаҳон ютуқлари даражасида эканлигини ортиқча камтарликсиз таъкидлаш мумкин, деб ўйлайман.

— Лекин бундай техника етарли даражада ўргатилган одамларни талаб этади. Учувчиларни тайёрлаш борасида ўзгаришлар бўлдими!

— Ҳа, анча ўзгаришлар бўлди. Биз учувчиларни тайёрлашда уч босқичли йўлни жорий этиш билан уларни сифат жиҳатидан тайёрлашга ўтаяпмиз: учишга бошланғич тайёргарлик кўриш мактаби, бу мактабга болалар тўққизинчи синфни битирганидан сўнг кирадилар, кейин эса Ҳарбий-Ҳаво Кучлари учувчилар билим юртида ўқийдилар, ана шундан кейингина жанговар тайёргарлик марказига ўтадилар. Бундай ёндашув ҳаво жангчиларига таълим бериш сифатини тубдан яхшилашга имкон беришига ишончим комил. Бу жуда муҳим нарса, чунки улар принцип жиҳатидан янги, бешинчи авлод тайёралари ва вертолётларида учишларига тўғри келади.

Бинобарин, дастлабки даврдаёқ ана шу илғор усулни амалга оширишда камчиликлар бўлганлигини айтмасдан иложимиз йўқ. Баъзи маҳаллий ҳокимият органлари, мен бу фикрни айтишдан чўчимайман, махсус авиация мактаблари очилишига тўсқинлик қилишмоқда. Ҳозир Ейск шаҳрида биттагина шундай мактаб нормал ишлаб турибди. Яқин орада барнауллик йигитлар парвоз қиладилар, деб ўйлайман. Вассалом! Бизнинг бепоён мамлакатимиз учун бу ҳеч нарса эмас.

— Шундай бўлса ҳам суҳбатимизни байрам руҳи билан тугатишни хоҳлардим. Бу йил Ҳарбий-Ҳаво Кучлари шон-шуҳратини ошириш учун нималар қилинди, шуни айтиб берсангиз.

— Суҳбатимизда Лениннинг байрам кунларида камчиликларни яна бир бор эслаш фойдали деган гапларига амал қилдик, лекин анча яхши ишлар қилганлигимизни ҳам таъкидламоқчиман. СССР мудофаа вазирлигининг бош инспекцияси авиация қисмларини текширган вақтда учувчиларимиз юксак ҳарбий маҳорат намойиш этганликлари мени жуда қувонтиради. Экипажлар мураккаб об-ҳаво шароитлари ва оғир тактик муҳитда ҳаракат қилишларига тўғри келди. Шундай бўлса ҳам улар барча вазифаларни муваффақиятли бажардилар.

Ҳарбий-транспорт авиациясининг вакиллари ҳам яхши ишлашди. Бир қанча жумҳуриятларда вазият кескинлашиб, халқ хўжалик юкларини тезда етказиб бериш, қочоқларни қутқариш зарур бўлганида, уларнинг зиммасига жуда оғир вазифа юкланди. Янги нишондорлар, янги Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари пайдо бўлди. Биз тарбиялаган учувчилар яна космосга чиқишди.

Сўзимнинг оҳирида барча учувчилар, техниклар, муҳандислар, конструкторларни, шунингдек, Ҳарбий-Ҳаво Кучлари ветеранларини табриклаб, уларга осмонимиз сингари тиниқ ва мусаффо соғлиқ тилашни хоҳлардим, улар дадил ва мардона ҳаракат қилиб учаверсинлар, она еримизга эсон-омон қўнаверсинлар.

(СИТА).





Бир замонлар ота-боболаримизнинг етти ухлаб тушларига ҳам кирмаган ҳайратомуз ҳаво тайёралари, бугунги кунда барча соҳада ҳозиру-нозир. Фуқароларнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилишаётганини-ку қўяверинг, овоздан ҳам тез учгувчи сизу-биз номини санаб улгуролмайдиган тайёраю ракеталарнинг «хизмати» ҳам беҳисоб. Лекин бу соҳага сарфланаётган маблағларнинг ҳисобини эшитсангиз ёқангизни ушлайсиз...

Нима бўлганда ҳам ҳаво хизматисиз бугунни тасаввур қилиш мушкул. Яқинда Тушино шаҳрида ҳаво-десант қўшинларининг 60 йиллигига бағишланган ҳарбий — спорт парашютчилар байрами бўлиб ўтди. Унда ҳарбий десантчилар ҳамда ДОСААФ спортчилари қатнашдилар. Сиз суратда кўриб турган улкан тайёра содир бўлган катта-катта ёнғинларни ўчиришда иштирок этади. У 8 дақиқада 12 метр баландликдан ёнғин ўчоғи устига 40 тоннагача сув пуркаши мумкин. (Юқоридаги сурат). Десантчилар машқи (ўнгда).

В. ЯЦИН ва О. БУЛДАКОВлар сурати, (СИТА).

Телетайп лентасидан

ВАРШАВА. Польшанинг Балтика денгизи соҳилидаги Сопот курорт шаҳри ўрмондаги операсида «Атлантикадан Уралгача Европа битта» санъат усталарининг концерти билан 27-халқаро мусиқий фестиваль тантанали равишда очилди. Сопотдаги машҳур эстрада қўшиқлари халқаро фестивали энди ана шундай деб аталади. Фестивалнинг номигина эмас, ўзи ҳам ўзгарди. Энди у тижорат тусида ўтади. Чет эл фирмалари иштирокида ташкил этиладиган фестиваль янги истеъдод эгаларини кашф этишга, эстрадада янги йўналишларни оммалаштиришга кўмаклашмоғи лозим.

ЛОНДОН. Сиёсий кузатувчилар башорат қилганларидек, Форс кўрфазидаги танглик Буюк Британиядаги сиёсий кучларнинг мавқеига ўзгартиш киритди. Бугун «Гардиан» газетасида эълон қилинган Ай-Си-Эм тадқиқот хизмати ўтказган жамоатчилик фикрини ўрганиш натижаларига қараганда, лейбористлар партияси билан ҳукмрон консерватив партия ўртасидаги фарқ бундан бир ой олдин ўтказилган худди шундай тадқиқотларга нисбатан 5 фоиз камайди. Ҳозирги вақтда лейбористларни британияликларнинг 49 фоизи, консерваторларни 38 фоизи қўллаб-қувватламоқда. Бу шу йилнинг январидан кейинги даврда консерваторлар учун энг яхши ва лейбористлар учун энг ёмон кўрсаткичдир, деб ёзади «Гардиан» газетаси.

ВАШИНГТОН. Президент Жорж Буш 1974 йилги савдо тўғрисидаги қонунга Жексон-Вэник тузатиши деб аталган тузатишни кўзда тутувчи АҚШ билан ГДЖ ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларга барча чеклашларни бекор қилди. Жексон-Вэник тузатиши эмиграция эркинлигини чекловчи мамлакатларга қарши қаратилган.

Бушнинг Оқ уй эълон қилган қарори ГДЖга АҚШ экспорт-импорт банкидан қарз олиш, шунингдек тўланишига Америка ҳукумати кафолат берадиган хусусий қарзлар олишга ҳуқуқ беради. ЮПИ агентлиги ГДЖ билан савдо-иқтисодий муносабатлардаги чеклашларнинг бекор қилиниши Қўшма Штатларнинг корпорацияларига бўлажак Бирлашган Германиянинг шарқий қисмида «тижоратда мустаҳкамланиб олиш» имконини беради, деб таъкидлайди.

ВАШИНГТОН. АҚШ давлат секретари Жеймс Бейкер Вашингтонга келган Иордания қироли Ҳусайн билан учрашди. Давлат департаментининг расмий вакили Маргарет Татуайлер уларнинг суҳбатини шарҳлаб беришдан бош тортиб, Иордания қироли АҚШ Президенти Жорж Буш билан учрашгандан кейингина шарҳлаш ўринли бўлади, деди.

Уларнинг музокаралари Бушнинг Мэн штатидаги Кеннебанкпорт шаҳрида жойлашган мулкида бўлиб ўтади. Ассошиэйтед Пресс агентлигининг хабарларига қараганда, қирол Ҳусайн Президент Бушга Ироқ Президенти Саддам Ҳусайннинг «хусусий мактуби»ни олиб келган. Маълумки, қирол Ҳусайн Ироқ Президенти билан душанба куни учрашган эди. Оқ уйнинг хабар қилишича, ўша куни Иордания қироли Бушга қўнғироқ қилиб, Форс кўрфазидаги тангликни шахсан муҳокама қилмоқчи бўлганлигини айтган. Буш журналистлар билан учрашув чоғида АҚШ Иорданиянинг Акабу портини тўсиб қўйиши мумкин, деб огоҳлантирди, мавжуд маълумотларга қараганда, Ироқ БМТнинг жазо чораларини четлаб, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа юкларни ана шу порт орқали олиб турибди. Учрашувда Президентдан «маълум даврда кемалар билан Акабу портига киришни тўсиб қўйиш зарурати туғилмайдими» деб сўрашди. Президент бундай жавоб қилди: «Маълум пайтда шундай зарурат вужудга келиши мумкин, деб ўйлайман. Қалин тўрда Акабу порти тешикка айланиб, шу тешик орқали савдо давом этадиган бўлса, Ироқ савдоси учун Акабу порти беркитиб қўйилиши керак, деб ўйлайман». Бунда Буш АҚШ БМТнинг «жазо чоралари доирасида ўз мажбуриятларини бажаришда бошқа мамлакатларга қўшилишда Иорданияга ёрдам беришга» тайёр эканлигини, яъни Ироқ билан савдо операцияларини тўхтатишдан кўриладиган зарарни қоплашга тайёр эканлигини айтди. Биз уларга илгари ҳам ёрдам берганмиз, агар улар ўз мажбуриятларини бажарсалар, келгусида ҳам ёрдам берамиз, деб таъкидлади Буш.

НЬЮ-ЙОРК. АҚШ иқтисодиёти таназзул йўлига ўтди. Бир қанча мустақил экспертлар ҳукумат иқтисодчиларининг гапларига қарама-қарши равишда ана шундай фикрни айтмоқдалар.

Таназзулни оддий америкаликларнинг чўнтаги жуда яхши кўрсатиб турибди, деб ҳисоблайди Альберт Синдлинжер. Пенсильвания штатининг Уоллингфорд шаҳарчасида яшайдиган бу иқтисодчи 30 йилдан кўпроқ вақтдан буён мамлакатнинг қитъа қисмидаги 48 штат (Гавайя ороллари ва Аляскадан ташқари) аҳолисига телефон қилиб, молиявий «аҳволини» суриштиради.

Шу йил июль ойида у танлаб 4300 кишига савол берди. Савол берилган одамларнинг 68,7 фоизи ўз молиявий ишларининг аҳволига салбий баҳо берди. Шу йилнинг январь ойида атиги 52,7 фоизи салбий баҳо берган эди.

Майда ва ўрта Америка корчалонлари орасида «умидбахшлик индекси» пасайиб кетаётганлиги ҳам Синдлинджернинг фикрини тасдиқламоқда.

ТОКИО. Япониянинг Э... Эйч-Кей марказий ради... эшиттириш корпорация... нинг Токиодаги манзили ... наки ёндирувчи қуроллар ... лан ўққа тутилди, деб ха... қилди Токио полиция б... қармаси вакили. Қурбон йўқ, шикаст етмаган.

Полициячининг гапла... қараганда, бир нечта ку... ана шундай «снаряд» б... нинг томидан ва бино як... даги автомобиль бекат... топилди. Бино яқинидаги ... дан эса кейинчалик уй... роитида тайёрланган ... қурилмаси топилди.

Ўққа тутиш учун м... лиятни ҳозирча тер... ташкилотлардан биро... ҳам зиммасига олмади, ... маъмурлар бу ишни ўта... экстремистлар «императо... оиласини ҳимоя қилувчи г... разли репортажларга қарши норозилик белгиси сифатида ташкил этганлар», деб шубҳаланмоқдалар.

(СИТА).

БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

СОФИЯ, 16 август (СИТА мухбири Андрей Смирнов). Бу ерда БХР ҳукумати, мустақил касаба уюшмалари ва хўжалик раҳбарлари миллий иттифоқи ўртасида битим имзоланди. Битимга кўра, биринчи сентябрдан бутун мамлакатда маош ва пенсияларнинг индекс системаси амал қила бошлайди. БХР марказий статистика бошқармаси жамоатчилик асосидаги мутахассислар кенгаши белгилайдиган нарх-наво ҳамда турмуш кечириш учун энг кам сарф-харажатлар индексини ҳар ойда эълон қилиб туради.

Ҳужжатда товон миқдори ҳам белгилаб берилган. Жумладан, кам даромад оладиган меҳнаткашлар ва пенсионерлар нақд пул билан ёки акциялар ва облигациялар тариқасида 100 фоиз қўшимча оладилар. Талабаларнинг стипендияларига, болаларнинг нафақаларига ҳам тўла товон тўланади. Парламентга 30 октябргача банклардаги жамғармалар бўйича йўқотишлар ўрнини қоплаш тўғрисида таклифлар киритилади.

Битимда ваколатли давлат идораларига порахўрликка, чайқовчиликка ва яширин бозорга қарши курашни кучайтириш вазифаси юклатилади.

Болгария матбуоти битим ўз вақтида имзоланганлигини таъкидлаб, шу билан бирга, у амалда турли ижтимоий гуруҳлар даромадларини тенглаштиришга олиб келмаслиги, яъни мамлакатда ислоҳотга қадар амал қилиб келган текисчиликни давом эттирмаслиги мумкин эмас, деб хавотирлик билдиради.

ХИТОЙДА ЯДРО ҚУРИЛМАСИ ПОРТЛАТИЛДИ

СТОКГОЛЬМ, 16 август (СИТА мухбири Тарас Л... риохин). Швеция мудоф... тадқиқот марказининг ха... рига қараганда, бугун эр... лаб Хитойда одатдан таш... ри жуда кучли ядро қури... маси ер остида синаб кўр... ди. Ер ости портлаши вақ... да рихтер шкаласи бўйи... 6,65 балл куч билан ер с... кинганлиги қайд этилди. М... тахассисларнинг дастла... ҳисоб-китобларига қара... да, гап эллик килотонна... 200 килотоннагача қувва... эга бўлган ядро заряди ҳа... да бормоқда.

Бу 1990 йилда Хито... ўтказилган иккинчи ядро ... новидир. Биринчи синов ... йилнинг 26 майида Шве... мудофаа тадқиқот марка... да рўйхатга олинган эди. Ўшанда силкиниш кучи рихтер шкаласи бўйича 5,8 баллга етганди.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ФАРЗАНД КЎРДИНГМИ — ЖАЗОСИНИ ОЛ!

● ХИТОЙДА аҳоли сонининг ниҳоятда кўплиги мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий муаммоларидан биридир. Шунинг учун ҳам бу давлатда режали фарзанд кўриш тўғрисида кўрсатма мавжуд. Ким бўлишидан қатъий назар — раҳбар ходимми, оддий фуқароми, юқоридаги кўрсатмани бузса, албатта жазоланади. Яқинда «Чжунго Циннянь бао» рўзномаси «Бўшатилди! Қамоққа олинди!» сарлавҳали [illegible]

[illegible] рининг тўққиз фарзанди бор эди. Ўнинчи фарзанд кўриш арафасида уезд фирқа ва назорат органлари уни фирқа сафидан ўчириш ҳамда ишдан бўшатиш тўғрисида қарор чиқардилар. Худди шу вилоятдаги Чжанцявань шаҳар фирқа қўмитаси котиби Цзоу Шицай режали фарзанд кўриш соҳасидаги ҳақиқий жинояти учун бундан ҳам қаттиқ жазоланди. Цзоу Шицай аёлларга ҳомиладор бўлишдан сақлайдиган лигатура ўрнатиш юзасидан операция қилинганлигидан далолат берувчи қалбаки гувоҳномаларни сотиш билан шуғулланган. Гувоҳнома сотишдан жаъми 4 минг юандан ортиқ пул ишлаган Цзоу Шицайнинг жиноий фаолиятини фақатгина қамоқ [illegible]

ШАҲАРЛИКЛАР УЧУН САНДИҚ

● БУЮК БРИТАНИЯЛИК Стив Николсон исмли киши шахсий лойиҳаси бўйича антиқа сандиқ ихтиро этди. Киши хоҳишига кўра, ундан диван-кроват, шкаф, ҳатто стол ўрнида фойдаланиш мумкин. Муаллиф фикрича, унинг ихтироси замонавий шаҳарлар аҳолиси яшаш тарзини бир мунча енгиллаштиради.

ҚАСР ҚАЙТАРИЛДИ

● СУД ҲАЙЪАТИНИНГ махсус қарори билан 59 ёшли пенсионер, собиқ инженер-металлург, княз Станислав Любомирскийга Краков шаҳридан 50 километр узоқдаги Вискич қишлоғида қурилган қаср қайтариб берилди. Қалъага ўхшаш бу қасрнинг 300 та хонаси бор. Бундай воқеа Польшада биринчи марта рўй беришидир.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

Хорижддан хабарлар

Муштарий танқид қилади

ҚАЧОН БЕКАТ ҚУРИЛАДИ?

Бизни бир дард қийнайди. У ҳам бўлса 30 километрлик Каттақўрғон — Ингичка оралиғидаги йўл. Шу йўл фойдаланишга топширилганига ҳам 30 йилга яқинлашиб қолди. Шу вақт мобайнида ҳеч бўлмаса иккита бекат қуриб бериш Каттақўрғон ЭЛУ раҳбарлари учун қийин иш бўлди. Қишлоқ аҳли номидан арз қилиб чарчадик.

Икки марта вилоятимиз рўзномасида «Иложини топиш мумкин» ёки «Йўллар равон бўлса» сарлавҳали мақолалар эълон қилинди. Ўзгариш бўлмади. Худудимиздан сайланган депутатларга ҳам наказ бердик. Ва ниҳоят вилоят Кенгаши депутати Номоз Норқораевнинг «Ленин йўли» рўзномасида «Депутатга мадад керак» сарлавҳали мақоласи босилди. Бироқ, яна натижа йўқ. Депутатимиз «Ёш ленинчи» рўзномасига ҳам мактуб йўллади. 1990 йил 9 февралда сизлардан жавоб мактуби олдик. Аммо вилоят ижроқўми эса ҳанузгача жим. Наҳотки, мутасадди ташкилот раҳбарлари қишлоғимиздаги болаларга, кексаларга ва кўп болали оналарга раҳм-шафқат қилмасалар. Уларга ёзнинг иссиғида, қишнинг изғиринида паналаш учун бекат қуриб бериш шунчалик қийинми?

Матбуотга ёзсанг, келган комиссия аввал ёзган одамни топиб «Нега ёздинг, у қилворамиз, бу қилворамиз», деб дўқ пўписадан иш бошласа, дардимизни кимга айтамиз?!

Яқинда умидвор бўлиб, ноҳия Шўроси депутатлигига сайланган ноҳия фирқа қўмитаси биринчи котиби Сирож Холбозоровга ҳам депутатлик наказп бердик. Ишқилиб худонинг эртаси кўп экан. Лекин кута-кута кўзларимиз толди. Қачон бизга бекат қуриб беришаркин?

Э. ЭШДАВЛАТОВ.
Самарқанд вилояти, Советобод ноҳияси, Жарқудуқ қишлоғи.

* * *

МУҲАРРИРИЯТДАН: Н. Норқораевнинг аввалги 1990 йил 19 январда 82-шикоят хатини Халқ депутатлари Самарқанд вилоят Шўроси ижроия қўмитаси раисига 1990 йил 9 февралда юборган эдик. Жавоб олмадик. Шундан сўнг ижроқўм раисига бир неча марта эслатмалар ҳам юбордик. Афсуски, ҳанузгача жавоб йўқ. Вилоят ижроқўмида ки, меҳнаткашларнинг хат, шикоят ва таклифларига бефарқлик билан қаралгач, қуйи раҳбарлардан ранжимасак ҳам бўларкан-да! Йўқ, қонун ҳамма учун баробар. Меҳнаткашларнинг шикоят хатларига жавоб бериш муддатини бузганлик учун жазо белгилаб қўйилганлигини вилоят ижроқўми раҳбарларига яна бир бор эслатиб қўямиз, холос!

Янги шеърлар

АЖДОДЛАРИМ

Дунё номли майдонларда,
От ўйнатиб ўтганларим.
Бошлаб кетган ишларимни
Битказган деб тутганларим.
Пешонамни силаб, силаб
Йўл кўрсатган улуғларим.
Юртинг жўшиб куйла дея
Ўгит берган уруғларим.
Сиздан мерос қолган туйғу
Шоширади ақлимни-ей.
Мен сиз ўтган кўчалардан
Топиб олдим бахтимни-ей.
Ҳали думбул фикрларим
Гоҳ Даштларда адашади.
Қалб боғимда мақсадларим
Сиғишмай жой талашади.
Армонларни йиғлатганча,
Аламларни йиғлатганча,
Олов қўйиб сокинликка
Кўйгил бериб оқилликка.
Сиз кўрсатган йўлингиздан
Гупдиракдек бораяпман.
Мен ҳам сиздек пойгаларга
Отни дадил солаяпман.
Ҳаётимдан осудалик
Беғамликни учирдингиз.
Замонанинг долғаларин
Сиз қалбимга кўчирдингиз.

УМИД ГУЛИМ

Боғларимда умид гулим
бўй таратди.
Дардлар тўлиқ, юрак қурғур
шеър яратди.
Ёзиб қўйди сар лочиннинг
қанотига.
Гўрўғлидай майдондадир
Ғиротида.
Мард лочиним эътиқодим
баланд сенга.
Ғараз билан курашмоқни
ўргат менга.
Сен жангларда тоблангансан
йиқилгансан
Кексаларнинг бўғзига ҳам
тиқилгансан.
Таъқиблардан юракларинг
илма-тешик.
Дардларингга дармон бўлар
ёақур қўшиқ.
Токи сендай эгилмасдан
тура билай.
Оқни-оқ деб одамларга
куйлаверай.
Тош отганга қайтармоққа
шайланайин.
Ҳақиқатнинг ханжарига
айланайин.

ЮРАК ИНГРАМАГИН

Юрак инграмагин санчсалар ногоҳ,
Кўксингга ғаразнинг ўткир пичоғин.
Атай синамоқ-чун ўзга кир косов,
Титиб кўрганида меҳринг ўчоғин.
Дардга тўлсанг ҳамки йиғлама зинҳор,
Ўткинчи таънага беролгил бардош.
Ахир яккаш сенга суянаман мен,
Аламдан ҳўнграса тоғлардаги тош.
Магар камситсалар, миспи олтин деб,
Бош олиб кетмагил ғамининг чўлига.
Гул дебон бағрингга эксалар тикан,
Юзинг бур иқболнинг нурли йўлига.
Ногоҳ кўзларимдан думаласа ёш,
Фалак йўлларимга ташласа гар ғов.
Метин ирода-ю, зўр журъат билан,
Қалбимда жўр урсин аланга лов-лов.

Нозима ХУДОЙНАЗАРОВА.

Ёшлар ижоди

ЧИЛДИРМАСИ БОРДИР ЭЛИМНИНГ...

...Илҳомни кечагина В. И. Ленин номидаги Пионерлар саройи қошида тузилган доирачилар тўгарагига отаси етаклаб келган эди. Тўгаракка машҳур доирачи Тўйчи ака Иноғомов раҳбарлик қиларди. Мана, орадан йиллар ўтди. Илҳом мактабни тугатиб, аввал Ҳамза номидаги мусиқа билим юртида, сўнгра эса Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваториясида таҳсил кўрди. Энди унинг ўзи шогирд эмас, устоз. Ўзбекистонда якка созандачилик мутахассислиги бўйича биринчи қалдирғоч...



— Дунёда маданият соҳасида бизнинг халқимиз энг олдинги ўринлардан бирини эгаллайди. Ота Шарқимиз ҳам замонлар бутун оламни ҳайратга солгани сир эмас. Лекин йиллар ўтиб, «кўз тегдими ёки авлодлар ўзгариб боргани учунми, ўз тарихимиздан, маданиятимиздан, ўзлигимиздан узоқлашиб боравердик, — дейди куйиниб Илҳомжон.

— Гап айланиб, маданий меросимизга тақалаётган экан, мени ўйлантираётган нарса ҳам худди ана шу. Биз ҳозир Европа билан Шарқ мусиқасини сал бўлмаса бир қозонга солиб қайнатдик, десам, хато бўлмас. Ҳозир, агар қўйиб берсанг бировлар сенга «Муножот»ниям гитарада бинойидек айтиб беришдан тойишмайди. Мен бу таъналарим билан асло халқ чолғу асбобларини айблаётганим йўқ. Аксинча, миллий руҳнинг йўқолиб кетаётганидан ташвишланаман. Ҳар бир халқнинг ўз севимли чолғу асбоби бўлади. Уларга тил теккизиш ноинсофликдир. Табиат ҳар бир мавжудотни (у жонлими ёхуд жонсизми) ўз қолипи, ўз қиёфаси билан яратиб қўйган. Агар унга бошқа нарса қўшилса, бузилиб кетади. Санъат ҳам худди шундай.

— Илҳомжон, мана сиз доира бўйича мутахассиссиз. Очиғи, консерваторияда доира, айниқса, ўзбек миллий чолғу асбоблари бўлими фаолият кўрсатаётгани жуда қувончли. Лекин кўпчилик консерваторияга ҳар хил таъна тошларини отганини ҳам эшитганман: «Фақат у ерда европача санъат ўргатилади» деб.

— Бу таънада жон бор. Дарҳақиқат, бу санъат даргоҳида халқ чолғу асбоблари кафедраси 1948 йили ташкил этилган. Албатта, бу кафедранинг ташкил бўлиши фақат ўзбекистонликлар учун эмас, балки бутун Ўрта Осиё жумҳуриятлари аҳолиси учун ҳам катта байрам бўлган. Чунки ана шу ҳудудларда яшаётган халқларнинг чолғу асбоблари ўртасида анча яқинлик бор. Ҳозиргача кўпчилик бу кафедрага асос солган ажойиб санъаткор А. Петрасянцнинг номини ҳурмат билан тилга олади. Аввал кафедрада талабаларга 15 хил турдаги чолғу асбобларидан сабоқ берилган. Доира, рубоб, сурнай, қўшнай, чанг, най, дутор ва бошқалар шулар жумласидандир.

Аммо кейинчалик, миллий мусиқа асбобларига эътибор сусая борди. Бунда биринчи навбатда, ўша пайтда пайдо бўлган нотўғри тенденциялар, яъни миллий мусиқага ўгай кўз билан қараш сабаб бўлди. Ҳатто классик ашулаларни миллий кийимларда кийиб айтган санъаткорлар таъқиб қилинган пайтлар ҳам бўлдику. Бу ўша давр сиёсатидан келиб чиққан бемаъни ва ўткинчи қарашлар эди. «Карвон ўтаверар экан». Хайрият...

— Яна бир ташвишли ҳолни айтмасак бўлмайди. Сиз ишлаётган мана шу катта олий даргоҳни ҳар йили юзлаб талабалар битириб, турли жойларга йўлланмалар олишади. Аммо негадир айнан шу консерваторияни тугатиб чиқаётганлар орасидан талантли, демоқчиманки, ўзбек халқи санъатининг ҳақиқий фидойилари кам етишиб чиқаяпти. Шунча мутахассислар қаерга кетаяпти!

— Ҳақиқатан, консерваториямизни битириб чиқаётганлар жуда кўп. Лекин кадрлар масаласи ҳозир ҳамма жойда энг оғир масала. Негаки, кимнинг ҳам олис қишлоққа бориб ишлагиси келади. Яна ўйламанг, бу қишлоқ ҳаётини ёмонлаяпти, деб. Асло. Менинг ёшлигим ҳам қишлоққа яқин жойда ўтган. Гап бошқа ёқда. Биласизми, аксарият битириб чиқаётган талабалар шаҳарда қолишни ихтиёр қилишади. Лекин тақсимлашда улар турли вилоятларга юборилади. Кўплари «бормайман» деб туриб олишади. Ҳатто ўзи туғилиб ўсган вилоятга йўлланма берилганлари ҳам у ёққа боришдан бош тортишаяпти. Сабаби, нимада дейсизми? Ўзларидан олдин битириб кетганларнинг асосий қисми ўз соҳаси бўйича иш тополмаяпти. Борган жойида ҳам уларга умуман эътибор берилмайди. Ишлаш шароитинику қўя турайлик яшаш учун ҳам энг оддий шароитлар йўқ. Кейин нима қилади? Иложи борича енгил-елпи ишлаб, кўпроқ пул топадиган жойларни, кооперативларни излайдида. Қўлида гулдай ҳунари бўлса. Албатта, ҳар қандай «сайёр» ансамбллар уларни жон-жон деб қабул қиладида...

Бу биргина бизнинг консерваториямизга тааллуқли бўлган муаммо эмас. Театр ва рассомлик санъати, маданият институтлари ҳамда ўрта махсус мусиқа билим юртларида ҳам аҳвол ёмон. Сон кўп-у, сифатга келганда...

Мени энг қийнаётган нарса юқоридаям айтдим, ўзлигимиздан йироқлашиб кетганлигимиз. Яна бир гап. Мен Москва, Ленинград, Киев, қолаверса, мамлакатимизнинг жуда кўп шаҳарларига борганман. Уларга ҳавасим келган, ҳам ҳасадим. Одамлардан «фалон баянчи» ёки «фалончи балалайкачи»ни биласизми, деб сўрасангиз борми, кулиб, «Э, шуниям билмаган одам борми, бу шаҳарда» деб жавоб беради. Бизда-чи? Бунинг тамомила тескариси.

— Ўтган йили сиз ва ёш, талантли раққоса Муаззам Ғафурова Пхеньянда бўлиб ўтган XIII Жаҳон ёшлари ва талабаларининг анжуманида қатнашдингизлар. Бу фестиваль сизларга нима берди. Ўзбек халқи санъатининг элчилари бўлиш ҳам осон эмас-да...

— Албатта. Мамлакатимизнинг барча жумҳурият ва шаҳарларидан у ерга делегатлар борди. Юздан ортиқ мамлакат ёшлари иштирок этган йиғинда қатнашишнинг ўзи бўлмас экан. Бизлар ҳам ўз санъатимизни уларга намойиш этдик. Лекин ўзбеклар Совет Иттифоқидаги энг катта миллатлардан бири бўлгани билан, у ёқдагилар бизнинг санъатимиз ҳақида жуда кам билар экан. Фақат менинг бошимдаги дўппи-ю, Муаззамнинг устидаги атлас кўйлагидан ўзбекистонлик эканлигимизни билишди, холос. Очиғи, катта бир регион санъати, қолаверса, миллий қиёфаси, ҳаёти ҳақида икки кишининггина одамларда таассурот уйғотиши бу ҳеч ақлга сиғмайдиган гап.

Мен барибир Кореяга борганимдан ачинмайман. Энг асосийси, корейс халқининг қадимий анъаналарини кўриб, ҳайратга тушдик. Жаҳоннинг турли мамлакатларидан борган санъаткорлар ўз халқлари санъатини кўз-кўз қилди. Афсус, 20 миллионли ўзбек халқи номидан борган икковимиз нимани ҳам намойиш этардик. Биримиз доира, яна биримиз рақс усулларинимиь? Ахир бизнинг санъатимиз шу икковидангина иборат эмас-ку! Элимизда тилларда достон бўлган қадимий «Гўрўғли», «Алпомиш» ва бошқа халқ оғзаки ижодининг энг нодир намуналарини куйлаб келаётган бахшилар, ҳофизлар бор эди-ку. Уларни ҳам ўзимиздан бошқа жойда танишмайди...

Ҳали муаммоларнинг чеки-чегараси кўринмаяпти. Айниқса санъат соҳасида ўзлигимизга қайтиш жуда секинлик билан бораяпти. Соҳам халқ миллий чолғу асбоблари билан боғлиқ бўлгани учун мени кўпроқ қийнаётган нарса Ўзбекистонда талантли чолғучилар, кўп. Ғижжак чалса, кўнглингизни сел қилиб юборадиган Ўлмас ака Расулов, танбур чертиб қўшиқ айтадиган ашулачи ва созанда Ҳасан Ражабий, доирачи Қаҳрамон Дадаев ва яна кўплаб номдор санъаткорларнинг номларини санашим мумкин. Уларнинг бетакрор санъатидан ҳамон халқимиз баҳраманд бўлолмаяпти. Дунёда бизнинг халқдай санъатни қадрловчи халқ бўлмаса керак. Бугун эса бунинг тескариси бўлмоқда. Ҳамон авж пардаларда ўзимизнинг куй-қўшиқларимизни тополмай юрибмиз. Насиб этиб, ўзбек миллий санъати ҳам юксак чўққиларга кўтарилишига ишонаман...

Н. ЖАЛИЛ суҳбатлашди.

«КАМАЛАК»

ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ФАРМОН КУЧГА КИРДИ

Ҳозирги вақтда хорижда яшаётган бир қанча кишиларни СССР фуқаролигидан маҳрум қилиш тўғрисидаги СССР Олий Совети Президиумининг фармонлари СССР Президентининг фармони билан бекор қилинди.

СИТА мухбири СССР Президенти ҳузурида матбуот котиби вазифасини бажарувчи В. И. Куликовдан ушбу фармонни шарҳлаб беришни сўради.

— Валентин Иванович, Президентнинг фармонида у 1966 йилдан 1988 йилгача бўлган даврда совет фуқаролигидан маҳрум этилган бир қатор кишиларга тааллуқли, деб айтилади. Сиз уларнинг неча киши эканлигини, баъзиларининг исми шарифларини айта оласизми?

— Мазкур ҳужжат СССР Олий Совети Президиумининг 21 та фармонини бекор қилади. Ижодкор ва илмий зиёлиларнинг 23 вакилининг СССР фуқаролиги тикланди. Улар орасида В. Я. Тарсис, В. Н. Чалидзе, А. И. Солженицин, О. Я. Рабин, В. Л. Корчной, В. П. Аксенов, Л. З. Копелев, В. Н. Войнович, Г. Н. Владимиров, Ю. Ф. Орлов ва бошқалар бор.

— Фармон қачон кучга киради?


— У қўл қўйилган муддатдан бошлаб амал қилади. СССР ташқи ишлар вазирлигига мазкур фармон дахл қилувчи кишилар эътиборига унинг мазмунини етказиш ҳамда ўша кишиларнинг хоҳишига биноан СССР фуқаролари паспортларини бериш топширилган.

— Улар ана шу паспортлар билан хоҳлаган вақтларида СССРга қайтишлари мумкинми?»

— Албатта.

— Энди сўнгги савол: Президентнинг фармони фуқаролиги тикланган кишиларнинг исм-фамилиялари зикр этилган тўла рўйхат билан бирга қачон ва қаерда эълон қилинади?

— Фармон билан шу ойнинг охирида «СССР халқ депутатлари съезди ва СССР Олий Шўросининг ахборотномалари»ни навбатдаги сонида танишиш мумкин.



Фарғона водийсидаги Риштон кулолларининг донғи нафақат Иттифоқимизга, балки жаҳондаги кўпдан-кўп мамлакатларга кетган. Боиси битта: бу ерда тайёрланаётган сопол идишларга ҳунармандларнинг қалб қўри, моҳир қўллари изи йўғрилган. Айтишларича, Риштон кулолчилиги бундан 800 йил муқаддам пайдо бўлган.

Миллий анъана давом этмоқда. Риштон бадиий сопол буюмлари заводида йилига 5 миллион сўмлик 100 турдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда.

СУРАТДА: катта асл ёдгорликлар туркуми муаллифи Набижон Қодировни кўриб турибсиз.

ЎзТАГ мухбири Р. ШАГАЕВ олган сурат.

КЕЛИН-КУЁВЛАРГА НАСИҲАТЛАР

ПЛУТАРХ.

Қадимгилар ёш келинга шундай маслаҳат берадилар: илк висолдан сўнг куёвнинг қиёфаси ва овози таассуротлари ширин ҳамда ёқимли бўлиши учун у билан танҳо қолишдан аввал беҳи меваси истеъмол қилиш керак.

Ёш келин-куёвлар айниқса, дастлабки пайтда зиддият, жанжал чиқишидан эҳтиёт бўлишлари даркор. Чунки, эътибор берсангиз, ҳатто энди елимланган туваклар ҳам кичик силкинишдан сўнг осонгина ажралиб кетишади. Бироқ, вақт ўтиши билан елимланган жойи мустаҳкам қотгач, олов ҳам, темир ҳам ажратолмайди.

Ақлли эрга қулоқ солишдан кўра, аҳмоғини довдиратишни хуш кўрадиган хотинлар йўлни биладиган, ўткир кўзли одам ортидан бориш ўрнига, кўр кишини етаклаб юришни афзал биладиганларни эслатади.

Катон қизининг олдида ўз хотинини ўпган бир кишини сенатдан ҳайдаб юборган экан. Балки бу ўта қаттиққўлликдир. Бироқ, ўзгалар олдида бир-бирига суйкалиш, ўпишиш ва қучоқлашиш одобсизлик бўлса (бу бошқа нарса эмас), унда бегоналар қаршисида қўпол сўз айтиш, жанжаллашиш, одоб ҳақида ваъз айтиш ва бор овозда ошкора танбеҳ бериш ҳам ундан баттар уятли эмасми?

Оқила ва гўзал хотини билан ажрашгани учун дўстлари койиган римлик уларга оёғини рўкач қилиб деди:

«Бу бошмоқ кўринишдан жуда гўзал, ҳали кийилмагандай. Аммо, у оёғимнинг қаерини қисаётганини ўзимдан бошқа ҳеч ким билмайди!» Демак, аёл ўзининг сепига, ҳам ўзига боғлайдиган меҳрибонлик, хушахлоқлик ва итоаткорлик каби фазилатларга таяниши, уларни ҳар куни, истар-истамас, мажбуран эмас, балки қувониб, бажонудил намоён этиши лозим.

Сезилмай пайдо бўлиб, аста-секин кучайиб борадиган касалликни врачлар сабаблари очиқ-ойдин касалликдан хавфлироқ деб биладилар. Шу каби атрофдагилардан беркитилган, майда, узлуксиз, кундалик уриш-жанжаллар оиланинг барбод бўлишига, эр-хотин биргаликдаги турмушининг бузилишига олиб келади. Шоҳ Филипп фессалиялик бир гўзални севиб қолди. Айтишларича, қиз уни афсун билан ўзига мафтун айлаган эмиш. Олимпиада бу аёлни қўлга олиш учун барча чораларни кўрди. Уни малика ҳузурига келтиришгач, қиз фақат жуда гўзал бўлибгина қолмай, балки суҳбат чоғида ҳам ўзини муносиб тутди.

«Афсун билан алдаган, деган гап ёлғон, — деб юборди Олимпиада шунда, — фусун ва латофат сенинг ўзингда экан».

Шундай қилиб, сепли, насабли, гўзал бўлишдан ташқари, эрини хуш ахлоқи билан ром этган қонуний хотинга ўзга аёллар билан рақобат қилиш қўрқинчли эмас.

Ўша Олимпиада чиройли, аммо ёмон ном орттирган аёлга уйланган ёш флейтачи йигит ҳақида:

«У ақлсизлик қилди, йўқса, кўз билан уйланмасди», — деган экан. Албатта, кўз билан ё бармоқ билан (баъзилар қизнинг сепи қанчалигини ҳисоблашади) уйланиш керак эмас. Ундан кўра қиз биргаликда яшаганда қандай бўлишини фикрлаган маъқул.

Суқрот хунуклар ўз хунуклигини хушҳаракатлиги билан кетказиши, гўзаллар — ўз гўзаллигини бадахлоқлик билан хира этмасликлари учун ёшларга кўпроқ ойнага боқишни маслаҳат берган. Турмуш қурган аёл агарда хунук бўлса, қўлига ойна олиб: «Шу ҳолимда яна нокамтар, бадхулқ бўлсам қандай бўламан», деб, мабодо гўзал эса, «Бунинг устига камтарин ва хушахлоқ ҳам бўлганимда қандай бўламан!» деб сўрагани дуруст.

Мисрда аёллар кўпроқ уйда ўтириш учун қадимий урфга кўра умуман пойабзал киймас эканлар. Мабодо, бугунги аёлларимиздан чиройли туфлилар-у, олтин тақинчоқларни, ярқироқ либослар, марваридларни олиб қўйсангиз, уларнинг кўпчилиги меҳмонга боришни ҳам канда қиладиқўяди.

Ливиянинг Лепта шаҳрида қадимий одат мавжуд. Бу одатга кўра, ёш келин тўйдан сўнг эрини онаси олдига тоғора сўрагани юборади. Она эса ўғлини тоғора йўқ, деб қуруқ қайтаради. Бу келинга қайноналар юмшоққўнгил бўлавермаслигини таъкидлаш учун қилинади. Шундан сўнг келин ва қайнона орасида бирор жиддий гап-сўз ўтиб қолса, келин уни унча оғир қабул қилмайди. Хотин буни доимо ёдда сақлаган ҳолда қайнона билан тўқнашувларнинг олдини олиши керак. Ахир оналарга ўз ўғлини келиндан рашк қилиш хусусияти хос... Бунда фақат бир нарса, ёрдам бериши мумкин: эрнинг шундай муносабатда бўлишига эришиш лозимки, унинг онасига бўлган меҳр-муҳаббати камаймасин ва сусаймасин.

Кирнинг қўл остида хизмат қилган Эллинларга ҳарбий бошлиқлар агар душман қичқириб ҳужум қилса, уларни жим қарши олишни, мабодо душман жим ташланса, уларга қарши ҳайқириб жанг бошлашни буйруқ беришган. Шундагина душман сукутга чўмиб, музокарага розилик билдирар экан.

Афлотун ёшлар ҳурмат билан муносабатда бўлишлари учун кексаларга улар олдида ўзларини камтарин тутишларини маслаҳат берган. Чунки қаерда қариялар беҳаё бўлса, у ерда ёшларнинг камтарин ва ҳурмат кўрсатадиган бўлиши мумкин эмас. Шуни эсда тутган ҳолда эр хотинига нисбатан шундан ҳам камтарроқ бўлиши лозим. Зеро, у хотини учун хушахлоқлик ёхуд енгилтаклик мактаби бўлиши мумкинлигини англаши керак.

Ўзи баҳраманд бўлаётган ҳузурдан ҳаловат топишни хотинига маън этган киши душманга ўзи асир тушгани ҳолда бошқаларга курашни давом эттиришни маслаҳат бераётган саркардани эслатади.

Амирқул КАРИМ таржимаси.

ТВ

19 АВГУСТ — ЯКШАНБА
СССР ҲАВО ФЛОТИ КУНИ

● ЎзТВ I

9.00 «Ассалому алайкум». Мусиқий кўрсатув.

* * *

10.00 Тижорат хабарлари. 10.20 «Подшо Пётр арабни уйлантиргани ҳақида ҳикоя». Бадиий фильм («Мосфильм»).

Қувноқ ўтсин таътиллар

12.00 «Қувноқ стартлар». 13.00 «Деҳқон ва замон». Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари учун кўрсатув. 14.00 «Алифбо сабоқлари» (такрор). 14.35 «Тошкент» студияси кўрсатади. 15.15 «Сиз севган достонлар». «Интизор». Хуррам Эшбўриев ижросида. 16.05 «Ишнинг кўзини билиб». Пионер лагери қурилишида янги меъморчилик услуби.

Тижорат кўрсатуви

16.35 «Қарор ва ижро». Аҳолига маиший хизмат кўрсатишни янада яхшилаш хусусида.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Жумҳурият болалар бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг концерти. 18.40 «Сиҳат-саломатлик». Илмий-оммабоп программа. 19.10 «Парвоз». Телефильм. 19.30 «Ахборот (рус тилида). 19.50 Ҳинд кинофильмларидан қўшиқлар. 20.30 Москва. «Вақт». 21.00 «Якшанба оқшомида». 22.00 «Ахборот». 22.20 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Туш ўнгидан келди ёки чемодан». Кинокомедия («Ленфильм»). 23.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

9.00 «Сапеда». Мусиқий ахборот. 10.05 «Ҳар бир кишига ва барчага». Реклама. 10.15 СССР Ҳаво флоти кунига бағишланган кинопрограмма. 11.45 «Тошлоқда ҳам дарахт ўсади». Бадиий фильм. 2-серия.

18.15 Кўрсатувлар тартиби. 18.20 «Буюк ҳайвон ўргатувчи». Телевизион бадиий фильм (рус тилида). 19.35 «Суруди сулҳ». 20.30 Москва. «Вақт». 21.00 «Гулчин». Мусиқий кўрсатув. 22.00 «Ҳафта». Информацион программа. 22.30 «Навои Бадахшон». 23.40 «Телетомошабин ҳамроҳи».

● МТ I

7.30 Спорт ҳамма учун. 7.45 Ритмик гимнастика. 8.15 «Спортлото» тиражи. 8.30 «Эрта саҳарлаб». Болалар учун кўрсатув. 9.30 «Ватан хизматида». 10.30 Тонгги дам олиш кўрсатуви. 11.00 «Дунё бўйлаб». Альманах. 12.00 «Здоровье». 12.45 «Невараларимга аталган цирк». Бадиий фильм-монография («Экран»). 14.00 «Қишлоқ янгиликлари». 15.15 «Педагогика ҳамма учун» (бевосита мулоқот). 16.15 «Маримба Понес» болалар дастасининг чиқиши (Япония). 16.45 Эртаклар ва саргузаштлар оламида. «Енгил қадамлар». Телевизион бадиий фильм. («Укртелефильм»). Премьера. 18.20 «Валерий Леонтьев Ҳиндистонда». 19.15 Шеърият лаҳзалари. 19.25 Томошабинларнинг талабларига биноан. «Номсиз қаср». Олти серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия (Венгрия). 20.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 21.00 «Сопот-90». Халқаро эстрада фестивали.

● МТ II

7.30 Зарядкага сафланинг! 7.50 «Она-замин ташвишида». «Келажак вариантлари». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 9.00 «Наврўз». Олмаотадан кўрсатилади. 9.20 «Биз яшаётган олам». Режиссёр И. Беляев фильмлари. «Ярмарка». 10.25 «Баго бувисиникига боради». Мультфильм. 10.40 Талабларингизга биноан такрорланади. «КВН-90».

12.30 ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ

15.00 Баскетбол. Жаҳон чемпионати. Эркаклар. 3-ўрин учун матч. Аргентинадан кўрсатилади. 16.30 «Планета». Халқаро программа. 17.30 «Ярим асрдан кейинги учрашув». Баянчилар ва аккардеончилар концерти. 18.55 «Объектив». 19.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Биз меҳмондамиз». 19.45 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар). 19.50 «...Ишонамиз, яшаймиз ва кутамиз». Борис Пастернак ҳақида. 20.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан). 21.00 «Тоғлар тутаяпти». Телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар («Укртелефильм»). 23.25 Отиш спорти бўйича жаҳон чемпионати кундалиги.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

«Ёш ленинчи»

«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издаётся на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.

ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
ИНДЕКС: 64607.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Д. — 23525.